Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 91 (20. 658) • 1990 йил 19 апрель, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

1990 йил 9 Май куни Москва шаҳрида Қизил майдонда қўшинлар парадини ўтказиш тўғрисида

1990 йил 9 Май куни совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабаси шарафига Москва шаҳрида, Қизил майдонда қўшинлар паради ўтказилсин

СССР мудофаа министри ўртоқ Д. Т. Язовга парадни қабул қилиб олиш вазифаси топширилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 17 апрель.

КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин 1-Май — меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни! Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

2. Совет кишилари! Инсонпарвар, демократик социализм қуриш учун куч-ғайратларимизни бирлаштирайлик!

3. Коммунистлар! КПССнинг етакчилик ролини аниқ-равшан ишлар билан тасдиқлангиз!

Партия сафларини принципиал негизда жипслаштириш учун курашингиз!

4. Совет Иттифоқи гражданлари! Ҳуқуқий социалистик давлатни барпо этишда қатнашингиз!

5. Халқ депутатлари! Меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида масъулият билан ҳалол хизмат қилингиз!

6. Ватандошлар! СССР Президентининг мамлакатдаги вазиятни нормаллаштиришга доир кучғайратларини қўллаб-қувватлайлик!

Қайта қуришнинг барча соғлом кучларини жипслаштириш — демократия жараёнлари муқаррарлигининг кафолатидир!

7. СССР меҳнаткашлари! Фаровонлигимизнинг гарови бўлган туб иқтисодий ислоҳотни жадаллаштирайлик!

8. Советлар мамлакатининг ишчилари! Коммунистлар партияси сизнинг онглилигингиз ва уюшқоқлигингизга, қайта қуриш ишига садоқатингизга умид қилади!

9. Қишлоқ меҳнатчилари! Ер тўғрисидаги қонунни амалга оширингиз! Озиқ-овқат муаммосининг ҳал этилиши, ҳар бир оиланинг фаровонлиги, сизларнинг деҳқончиликдаги меҳнатингизга боғлиқ!

10. Фан, техника ва маданият арбоблари! Сизнинг ақл-идрокингиз ва маънавий фидокорлигингиз қайта қуриш учун ҳаётий зарурдир!

11. Кооперативларнинг ходимлари! Социалистик иқтисодиётни ривожлантиришга, аҳолини товарлар ва хизматлар билан таъминлашга қўшаётган ҳиссангизни кўпайтирингиз!

12. Йигит ва қизлар меҳнатда фаол қатнашингиз, билимларни эгаллангиз, давлатни бошқаришни ўрганингиз! Ватанимизнинг келажаги сизларнинг қўлингизда!

13. Совет хотин-қизлари! Совет жамиятини янгилашда фаол иштирок этингиз! Бақувват муносиб ўринбосарларни вояга етказингиз!

14. СССР гражданлари! Совет федерациясини тубдан ўзгартириш ва мустаҳкамлаш — мамлакатдаги барча халқларнинг ривожланишига олиб борадиган асосий йўлдир! Миллатчи ва айирмачи кучларга қатъиян «йўқ» деб жавоб берайлик.

15. 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигини асраб қолган совет халқига шон ва шарафлар!

Уруш ва меҳнат ветеранларини, шонли Қуролли Кучларимизни биринчи Май билан самимий табриклаймиз!

16. Бутун дунёдаги ижтимоий тараққиёт, демократия ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун курашчилар билан бирдаммиз!

17. Коммунистик ва ишчи партияларга, чет давлатлардаги барча демократик кучларга биринчи Май саломи!

18. Ер юзи халқлари! Инсониятнинг умумий муаммоларини ҳал қилиш учун, шахснинг эркинлиги ва қадр-қимматини ҳимоя қилишда куч-ғайратларни бирлаштирайлик!

Умумбашарий қадриятлар тантана қилаверсин!

Яшасин сайёрадаги барча халқларнинг тинчлиги, ишончи ва ҳамкорлиги!

XII БЕШ ЙИЛЛИК

• *Меҳнат байрами тараддуди*
• *Чигит экишда ҳар бир фурсат ғанимат!*
• *Илғор хўжаликлар далаларида*

● Жиззах вилояти пахтакорлари чигит экишни кун сайин авж олдирмоқдалар. Мирзачўл ноҳиясидаги Абай номли давлат хўжалиги аъзолари экиш кампаниясини муваффақиятли олиб боришяпти.

Суратқаш мухбир У. Қўшвоқов олган лавҳаларда шу хўжалик аъзоларининг меҳнати акс эттирилган: (юқорида) механизатор Х. Тожибоев; сеялкачи М. Жорқинбоев, бош агроном Э. Чиндалиев ва бригада бошлиғи М. Жорқинбоев далада.

21 АПРЕЛЬ — ЛЕНИНЧА ШАНБАЛИК КУНИ

● Андижонлик машинасозлар ишлаб топилган маблағни меҳр-мурувват ва саломатлик фондига ўтказадилар. Андижондаги «Электроаппарат» заводининг коллективи шундай қарорга келди.

В. И. Ленин туғилган кунинг 120 йиллигига бағишланган шанбаликда бу ерда 90 минг сўмлик паст вольтли ускуналар тайёрланади. Завод меҳнаткашлари ишлаб топган пулларининг ярмини уруш ва меҳнат ветеранларига, байналмилалчи жангчиларга, ёлғиз қариялларга, ногирон кишиларга моддий ёрдам бериш учун сарфлайдилар. Қолган маблағ завод касаба уюшмаси жамғармасига қўшилади.

● Тошкентлик машинасозлар шанбаликдан тушган пулни мактабгача тарбия муассасаларини ривожлантиришга сарфлашмоқчи.

«Ташсельмаш» заводи ўз оталиғидаги тўртта болалар комбинатига шундай ёрдам беради. Бундан ташқари маблағнинг бир қисми шаҳарнинг Ҳамза райони ҳисобига ўтказилади. Қарийб олти минг кишилик корхона коллективи 21 апрелни зарбдор меҳнат билан нишонлайди. «Ташсельмаш» коллективи шу куни 350 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

● Самарқандлик трикотажчилар 21 апрель куни 51 мингта трикотаж буюм ишлаб чиқарадилар, шуларнинг ярмидан кўпроғи болалар учун мўлжалланган кийим-кечаклардир.

Охунбобоев номли трикотаж фабрикасининг коллективи шанбалик куни ана шундай ишлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу ерда меҳнат байрамида 2100 дан зиёд киши иштирок этади. Ишлаб топилган маблағни Самарқанднинг Сиёб районини ободонлаштиришга ва фабриканинг физкультура-соғломлаштириш марказини қуришга сарфлаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ИНДОНЕЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов 17 апрель куни Индонезия Республикасининг кооперация ишлари министри Б. Арифин бошчилигидаги ҳукумат делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Меҳмонларга Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари тўғрисида, республиканинг қайта қуриш, демократиялаш йўлида қилаётган ҳаракатлари ҳақида гапириб берилди. Икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш тўғрисида қизиқарли суҳбат бўлди. Бу жараёнга кейинги вақтларда янги омил бахш этилганлиги мамнуният билан таъкидланди. Меҳмонларнинг мазкур ташрифи, шунингдек яқинда Ўзбекистон делегацияси Индонезияга боргани бунинг далилидир.

Б. Арифин И. А. Каримовга у Ўзбекистон ССР Президенти юксак лавозимига сайланиши муносабати билан Индонезия Президенти Сухартонинг қутловини топширди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги ўзаро манфаатли бевосита алоқаларни ривожлантириш йўлини давом эттиришга икки томонлама интилиш истаги билдирилди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Индонезия Республикасининг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Я. М. Жани иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Орбитадан дараклар

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 17 апрель. (ТАСС). Анатолий Соловьев билан Александр Баландининг орбитадаги парвози давом этмоқда.

Космонавтлар сўнгги вақтда учувчи бошқарадиган «Мир» комплексини қўшимча жиҳозлаш юзасидан катта ҳажмдаги мураккаб ва масъулиятли ишларни бажардилар. Улар станцияда янги ҳисоблаш машинасини, бир-бирига боғланган бир қанча электрон қурилмаларни ўрнатдилар. 15 апрелда «Квант-2» модулининг кучланишли гираскопик стабилизаторлари орбитал комплекснинг умумий манзарасига қўшилди. Экипаж илмий асбобларни бўлажак эксперименталарга тайёрлаш режасига мувофиқ қўшимча жиҳозланган модулга қўшимча равишда телевизион блок ўрнатди. Бу блок «Квант-2» модулидаги видеоспектрал аппаратлардан фойдаланиб геофизик тадқиқотлар ўтказишни назорат қилишга мўлжалланган.

Орбитадаги ишлар белгиланган графикка мувофиқ ўтмоқда.

Космонавтлар соғ-саломат, ўзларини яхши ҳис этишмоқда.

ТАШРИФ ТУГАДИ

Индонезия кооперация ишлар министри Б. Арифин бошчилигидаги Индонезия Республикаси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи тугади.

Делегация аъзоларини 17 апрель куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов қабул қилди.

Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш хусусида, пиллачиликни такомиллаштириш ҳақида манфаатдорлик билан фикрлашиб олинди. Ҳар иккала томон ўзаро манфаатли асосда савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш муддаосини изҳор қилди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Индонезия Республикасининг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Я. М. Жани қатнашдилар.

Шу куни Индонезия ҳукумат делегацияси ташрифи якунлари юзасидан муддаолар тўғрисидаги протокол имзоланди. Унда Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги бевосита савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш чоралари кўзда тутилган. Меҳмонлар ташриф чоғида пиллакашлик корхоналарини, ана шу тармоқнинг илмий-тадқиқот институтларини бориб кўрдилар. Делегация Самарқанд ва Бухорода бўлди.

(ЎзТАГ).

ПАХТАКОР ЕНГ ШИМАРДИ

Мана ўлкамизда баҳор авжида. Қиши билан мудроқ уйқуда дам олган далалар уйғонди. Ер кўпчиди. Чигит экиш учун етилди. Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозида барака уруғи қадаш ишлари авжига чиқди.

Хўжаликда бу йил чигит экиш одатдагидан кечроқ бошланди. Чунки кетма-кет ёққан ёмғирлар бунга имкон бермади. Зеро, чигит обдон етилган, нам тупроққа тушмоқда. Демак, далаларга чигит суви беришнинг ҳожати йўқ. У ўз намига униб чиқади.

Хўжалик далаларида тракторлар, механизатору сеялкачиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Айниқса Ю. Бойматов бошлиқ бригада далаларида чигит экиш қизғин бормоқда. Улар бу йил 45 гектар майдонга барака уруғи қадайдилар.

— Мен шу йил бригадага бошлиқ этиб сайландим, — дейди Юсуфжон Бойматов. — Илгари оддий колхозчи бўлиб ишлардим. Энди масъулиятим икки баравар ошди. Коллективимиз аъзолари аҳиллик билан ишлаб, мени қўллаб-қувватласалар кифоя. Айни пайтда сўнгги гектарларга уруғ қадаяпмиз. Мўлжалимиз ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олиш.

Деҳқон ернинг ҳақиқий хўжайинига айланиб бормоқда. Уларга мустақиллик берилгани ижодий ишлашга, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга имкон беради. Шунинг учун ҳам бригада далаларида тупроқнинг ҳолатига, майдонлар тайёргарлигига қараб иш ўз маромида давом эттирилмоқда. Ҳозирча учта сеялка тўхтовсиз ишлаб турибди. Механизаторлардан Қўчқор Асроркулов билан Раҳим Имомчаев ўз агрегатларини юксак унум билан ишлатишяпти. Улар кунига 5—6 гектар ерга чигит қадашмоқда. Бугун-эртага улар бригаданинг барча майдонларига чигит экиб бўлишни мўлжаллашмоқда.

Умуман колхоз бўйича бу йил 450 гектар майдонда пахта етиштирилади. Хўжаликнинг бошқа бригадаларида ҳам иш қизғин. Сотиболди Мансуров, Турсунали Тожибоев бошлиқ бригадаларнинг коллективлари ҳам чигит экишда пешқадамлик қилмоқдалар.

— Бу йил деҳқонларимиз шитоб билан ишга киришдилар, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадамин Мараҳимов. — Зеро, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўтган йили пахтадан мўл ҳосил кўтарганди. Ҳар гектар майдондан 27 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 1300 тонна пахта сотилди. Лекин иқтисодий жиҳатдан олганда колхозчиларимизнинг кўнгли тўлгани йўқ. Чунки бир йил мобайнида астойдил тер тўккан механизаторлар 2 минг сўм атрофида, оддий колхозчилар эса минг сўмдан сал знёдроқ даромад қилишди. Агар уларнинг томорқаси, сигир-бузоғи бўлмаса, бундай даромад билан тириқчилик қилишнинг ўзи бўлмайди.

Дарҳақиқат, хўжаликда авваломбор колхозчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун ҳаракат қилиняпти. Шу мақсадда пахта якка зироатчилигига барҳам берилди. Ўтган йили кўпгина майдонларга картошка ва сабзавот экинлари экилиб, мўл-ҳосил олинди. Бу колхозчиларнинг турмуш шароитларини бир мунча яхшилашга ёрдам берганди.

Колхозда бу йил ҳам кўпгина майдонлар сабзавот ва озуқа экинлари етиштиришга ажратилди. Бугунги кунгача 205 гектар майдонга картошка экиб қўйилди. 90 гектар майдон сабзавотга, 35 гектар майдон полиз экинларига ажратилди. 50 гектар ерга дон учун, 80 гектар ерга силос учун маккажўхори, 20 гектар ерга озуқа лавлаги уруғи қадалди. Хўжаликда 300 гектар бедазор бор. Бу ўз-ўзидан алмашлаб экишни йўлга қўйишда муҳим роль ўйнайди.

Умуман, хўжалик деҳқонлари бу йил Ватанимизни пахта, сабзавот ва чорва маҳсулотлари билан қувонтиришни кўзламоқдалар. Уларнинг бугунги ғайрат-шижоати кузда олинадиган мўл ҳосилдан далолат бериб турибди.

РЕПОРТАЖ

А. МАННОПОВ,
Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

МАСАЛАНИ ҚИЗИШМАЙ, ХОЛИСОНА ҲАЛ ЭТАЙЛИК

ТАССнинг парламентдаги мухбирлари Кремлдан хабар берадилар

СССР Олий Советининг Раиси А. И. Лукьянов мажлисни очмай туриб, залга назар ташлади ва «Бугун кворум тўғрисида ўйламасак ҳам бўларкан», деди. Рўйхат буни тасдиқлади: 17 апрель куни Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисига СССР Олий Советининг 445 аъзоси тўпланди. СССР халқ депутатларидан Олий Советга аъзо бўлмаган 136 киши ҳам иштирок этаётганлиги маълум қилинди.

Сессиянинг бошқа иш кунларида залда депутатларнинг сийраклиги ташвишланишга кўп марта сабаб бўлганлигидан хафа бўлиш мумкин, албатта. Ахир, давлат ҳокимиятининг олий органи аслида халқ ва мамлакатнинг ҳозирги бурилиш давридаги тақдирини белгилаб берувчи ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этади-ку. Халқнинг эса ўзи сайлаган ҳар бир кишидан депутатлик мажбуриятига ҳалол муносабатда бўлишини кутишга ва талаб қилишга ҳаққи бор.

Ҳар қалай, бу гал зал тўлди. Олий Совет мажлисига СССР халқ депутатлари съезди комиссиясининг СССР Прокуратурасининг Т. Х. Гдлян бошчилигидаги тергов группаси фаолияти билан боғлиқ материалларни текширишга доир ҳисоботи тақдим этилди.

Депутатлар қўлида мазкур ҳисобот матни, шунингдек ССР Иттифоқи Прокуратурасининг СССР халқ депутатлари Т. Х. Гдлян билан Н. В. Ивановни прокуратура органларидан бўшатиш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун рухсат олиш тўғрисидаги тақдимномаси бор эди.

Депутат Р. А. Медведев комиссиянинг уч ҳамраисидан бири бўлиб, у ўз нутқининг бошидаёқ депутатлар Гдлян билан Ивановнинг ўзлари гарчи кейинги ойлар мобайнида кўплаб митингларда ҳар иккови ҳам мазкур иш юзасидан очиқ парламент муҳокамаси ўтказилишини ва уларга барча саволларга жавоб қайтариш имкони берилишини қатъий талаб қилиб келган бўлсаларда, муҳокамада иштирок этиш учун таклифга жавоб бермаганликлари хусусида таассуф билдирди (кейинчалик Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Крючков сессиядаги ўз нутқида депутатлар Т. Х. Гдлян билан Н. В. Иванов якшанба кундан буён Арманистонда эканликларини, у ерда меҳнат коллективлари вакиллари билан учрашиб, йиғилишлар ўтказишаётганини маълум қилди. Ҳар иккови ҳам Арманистон ССР Олий Совети халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган. Уларнинг йиғилишлардаги кўринишига қараб, саломатлиги яхши, дейиш мумкин. Демак, ташвишланиш учун асос йўқ).

Депутат ҳисоботнинг асосий қисмига, яъни тергов олиб бориш қоидаларининг қўпол бузилиши фактлари тасдиқланиши масаласига тўхталиб, ҳужжатда жиноят кодексининг камида беш-олти моддаси билан жазоланиши мумкин бўлган қоидабузишлар аломатлари санаб ўтилганини таъкидлади. Шу муносабат билан комиссия, деди у, СССР Прокуратураси қонун бузилганлигига доир мазкур фактлар юзасидан жиноий иш қўзғаши мутлақо қонуний эканлигини эътироф этиш зарур,

(Давоми учинчи бетда).

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

● ЖАЗОИР

Жазоир ҳукумати мамлакатда зўравонлик кучайганлиги муносабати билан баёнот берди. АПС агентлиги мазкур ҳужжатни тарқатди.

Ҳукумат мамлакат барча фуқароларини, сиёсий ташкилотлар, касаба союз ва бошқа ижтимоий ташкилотларни белгиланган сиёсий ислоҳот ҳамда миллий иқтисоднётни соғломлаштириш режаларини барбод қилмасликка чақирди.

● ТРИПОЛИ

Ўрта денгиз мамлакатлари социалист ва тараққийпарвар партиялар ташкилотларининг доимий секретариати Ўрта денгиздан ҳорижий флотларни олиб чиқиб кетишни ва региондаги чет эл ҳарбий базаларини тугатишни талаб қилди.

АҚШнинг Ливияга қарши босқинчилиги, деб таъкидланади баёнотда, Америка маъмурияти халқаро майдонда амалга ошираётган давлат террорчилиги сиёсатининг чўққиси бўлди.

● БАЙРУТ

Сурия қўшинларининг аралашиши натижасида Ғарбий Байрутда умуман осойишталик тикланди. Бу ерда кечаги кундан бери шияларнинг «Амал» ҳаракати билан эронпараст «Хезболлаҳ» ташкилоти ўртасида қуроллн тўқнашувлар бўлаётган эди.

(ТАСС, 18 апрель).

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз

● КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми партия XXVIII съездига тайёргарликнинг янги босқичини бошлаб берди. Марказий Комитетнинг Ҳаракат дастури лойиҳасида партия фаолиятини такомиллаштириш, уни тубдан қайта қуриш ва янгилашнинг бошқа долзарб масалалари қатори барча коммунистларнинг, жумладан сайлаб қўйиладиган орган аъзоларининг активлигини ошириш, уларнинг партия ташкилотлари ҳаётидаги ўрни ва ролини кучайтириш, турғунлик йилларида бу соҳада турмуш тарзининг асоси бўлиб қолган, ҳозир эса бутунлай тугатилиши лозим бўлган эскича иш усули ва услубларига узил-кесил барҳам бериш вазифасини қўйди.

Турғунлик йилларида сайлаб қўйилган партия органлари фаолларига осон эди, — деб ёзади редакцияга Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхозининг сут соғувчиси Г. Ниёзова. — Уларнинг кўпчилик қисми пленум ва кенгашларда жиддийроқ бирон муаммони ўртага қўйиш учун эмас, балки олдиндан тайёрланган қарорларни қўл кўтариб маъқуллаш учунгина қатнашардилар. Улар район, шаҳар ва область партия ташкилотларининг навбатдаги конференциясига қадар ҳам худди шу маъқулловчилик ролини бажаришдан нарига ўтолмасдилар. Танқид бўғиб қўйилган, ҳалоллик ва принципиаллик қувғин қилинган даврда бундан ўзгачасини кутиб ҳам бўлмасди. Аммо, шуниси ниҳоятда ташвишланарлики, ана шу иллатларнинг аксарият қисми шу кунгача яшаб келди. Энди бундай усулда ишлаб бўлмайди. Партия тубдан янгиланаётган ва қайта қуриб олинаётган экан, унинг ичида сира ҳам нуқсон бўлмаслиги лозим. Зеро, КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми ана шу йўлдаги вазифаларни белгилаб берди, бу соҳада бутунлай ўзгариш ясаш зарурлигини таъкидлади. Марказий Комитетнинг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастурида сайлаб қўйиладиган партия органлари ва ана шу органлар аъзоларининг роли, ҳуқуқлари ва вазифалари мундарижасини кенгайтириш масаласини кун тартибига қўйиш лозимлиги алоҳида кўрсатилди.

«Совет Ўзбекистони» газетаси ва Сурхондарё область партия комитети яқинда биргаликда ўтказган давра суҳбатида ана шу муҳим масала ҳақида сўз борди. Давра суҳбати қатнашчилари шунингдек, Ҳаракат дастури асосида партия ташкилотлари фаолиятини чуқур қайта қуриш, ошкоралик ва демократияни такомиллаштириш, бошланғич ташкилотлар ва район бўғини ролини кучайтириш каби долзарб масалалар ҳақида ҳам ўзларининг таклифларини айтдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига номзод, область партия комитетининг биринчи котиби Ҳ. Бердиев, обком аъзолари ва аъзоликка номзодлар: Денов районидаги Куйбишев номли колхоз партия комитети котиби Б. Ҳайдаров, Термиз шаҳридаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати слесари Ш. Муҳаммадиев, Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхози сут соғувчиси Г. Ниёзова, Ангор районидаги «Қизил юлдуз» колхози сут соғувчиси И. Қувватова, область партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири В. Г. Харламов иштирок этдилар.

Қуйида шу суҳбат тафсилотини диққатингизга ҳавола қиламиз.

• *Коммунист нуқтаи назари* •

ҲАММАМИЗ ҲАМ МАСЪУЛМИЗ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ ВА СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

Ҳ. БЕРДИЕВ: — Областимизда 33 минг коммунист бор. Уларнинг барчаси қайта қуришда фаол иштирок қиляптими? Йўқ. Биров жон қойитиб ишламоқда. Иккинчи бир коммунист эса қайта қуришни тил учида қўллаб-қувватламоқда. Баъзилар умидсизлик кайфиятига берилган. Улар соҳилнинг қайси томонида туришни билмай иккиланмоқдалар. Яширмайман, чўнтагига партия билетини солиб юрган бир гуруҳ кишилар ҳозирги қийин шароитга дош беролмай қолишди. Шундайлар ҳатто партия билетини топширишни маъқул ҳам кўришяпти. Улар партиядан нимадир умидвор бўлиб, бизнинг сафимизга суқилиб кириб олган одамлардир.

Улар ҳақида нималар демайлик, барибир, биз — партия фаоллари бундан жиддий хулоса чиқаришимиз лозим. Энди умумий шиорлар билан ишлаб бўлмайди. Буйруқбозлик-маҳкамачилик услубининг аллақачон умри тугади. Хўш, унда нима қилиш керак? Бу саволга КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастурида тўла-тўкис жавоб берилган: партия ташкилоти ишини тубдан қайта қуриш зарур. Ҳаёт қайта қуришни, янгиланишни тақозо этаётган экан, уни бир кун, ҳатто бир соатга ҳам кечиктириш мумкин эмас.

Яқинда қурилиш материаллари комбинатига бордим. Бу корхона воҳадаги катта бир трестга қурилиш материаллари тайёрлаб беради. Аммо металл ва цемент йўқлигидан цехлар тўхтаб қолган эди. Бу цехнинг бир кун тўхташи юзлаб қурувчиларнинг ишсиз қолишига, планнинг барбод берилишига сабаб бўлади. Обком вазиятни дарров тушунди. Мен дастлаб партком котиби билан учрашдим. Корхонада 30 коммунист бор. Хўш, улар аҳволни ўнглаш учун нима қилдилар? Ҳеч нима? Баъзилар менга «Обком қаерга қараяпти?» дейишади. Хўш ана ўша кишилар нега «Корхона партия ташкилоти ёмон ишлаяпти», деб ўз-ўзига савол бермайди. Чунки бу ерда партия ташкилотининг роли ва ўрни сезилмайди. Унинг таъсири йўқ. Коммунистлар ташаббускорлиги сўнган. Шунинг учун ҳам уларни ҳеч ким эсламайди. Улардан ёрдам кутмайдилар. Ажабланарли томони шундаки, бу корхонада обком, шаҳарком аъзолари, депутатлар бор. Улар ҳам қўл қовуштириб ўтиравергандар. Афтидан, сайлаб қўйилган фаоллар ўз бурч ва вазифаларини тўла тушуниб етганларича йўқ. Демак, улар ўзларини ҳали қайта қуриб олмаганлар. Бундан бўлак хулосага келиш қийин.

В. ХАРЛАМОВ: — Партия Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурида бошланғич ташкилотлар ҳуқуқларини кенгайтириш ҳақида сўз боради. Биз бу ҳужжат асосида ҳозирданоқ иш олиб боришимиз, қурилиш комбинати партия ташкилоти сингари партия бўғинлари мустаҳкамлигини ва айни пайтда коллектив ва ишлаб чиқариш учун масъулиятни оширишни кун тартибига қўйишимиз керак эмасми?

Б. ҲАЙДАРОВ: — Мен баъзи фаоллар ўртасидаги иккиланишлар ҳақида гапирмоқчи эдим. Улар кимнинг тарафида туришини билмаяптилар.

Ҳ. БЕРДИЕВ: — Бизда, «кимнинг тарафида» деган сўзнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Бу партия учун, партиядошлар учун ёт тушунча. Бу сўз демократияни суиистеъмол қилиш оқибатида пайдо бўлди. Уни қайта қуриш душманлари ўйлаб чиқардилар. Бутун айбни партия зиммасига ағдараётганлар ҳам ўшалар. Қайта қуришни партия бошладику? Уни ёмонотлиққа чиқариш учун ҳадеб чиқанавергандан кўра, энг оғир ва масъулиятли даврда аксинча унга ёрдам қўлини чўзиш лозим. Партиядош бу — ҳамфикр, ҳаммаслак дегани. **Партиядошлар — бир кемадаги одамлар. Улар ўз тақдирларини партия тақдири билан боғлаган одамлар. Коммунистик партия сафида ана шундай одамлар қолишлари керак. Ўткинчи кишилар билан унинг обрўсини ошириб бўлмайди. КПСС Марказий Комитети ҳам мамлакат коммунистларига йўллаган очиқ хатида ана шуни таъкидлади.**

Б. ҲАЙДАРОВ: — Партия шанига қилинаётган тажовузларни, фисқи-фасод гап-сўзларни фаоллар ҳам эшитиб сукут сақлаяптилар. Бундай гаплар Марказий Комитети Ҳаракат дастури ўрганилаётган суҳбатларда ҳам эшитилиб турибди. Аммо фаоллар уларга қарши бирон фикр айтиш, эътироз билдиришга журъат қилмаётганлари кишини ажаблантиради. Шу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўриш керак.

Г. НИЁЗОВА: — Ботир ака, сиз партиядошларни курашга чорлаяпсиз чоғи?

Б. ҲАЙДАРОВ: — Ғайри ғояларга қарши. Партиянинг обрўсига тажовуз қилаётганларга қарши. Ҳатто мен партия сафини тозалаш тарафдориман.

Г. НИЁЗОВА: — Яхши. Аммо сизнинг бу даъватларингизга ҳамма партиядошлар ҳам бирдек қўшилмасалар керак. Нега? Чунки уларнинг илғор қатлами — мана, биз партия фаоллари, партия ташкилотлари котиблари бор. Илғор қатламнинг эса ҳаракатини кўриб турибсиз. Кўпчилик ҳамон «ҳужум» қилиш учун кўрсатма кутиб турибди. Шунга ўрганиб қолишган улар.

В. ХАРЛАМОВ: — Сизчи?

Г. НИЁЗОВА: — Мен қаерда бўлсаям, сўзимни айта оламан ва айтганимга одамларни ҳам ишонтира оламан.

Х. БЕРДИЕВ: — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетларига 1264 киши сайланган. Қанийди, уларнинг ҳаммаси ҳам сиз сингари «ҳақини ажратиб оладиган» бўлсалар. Бу ҳозирча бизнинг орзуимиз.

Г. НИЁЗОВА: — Ҳаракат дастурини ўқиётиб қўйидаги жумла диққатимни тортди. **«Сайлаб қўйиладиган органлар асосан мансаб принципига кўра тузиладиган тартибдан воз кечиш зарур... Бунда бирдан-бир мезон коммунистларнинг сиёсий ва инсоний фазилатлари, унинг билимдонлигидир». Бу, биз учун асосий қўлланма бўлиб қолади, албатта. Бундан кейин фаоллари танлашда уларнинг сифат составига шу мезон билан ёндашиш лозим.** Хўш шу пайтгача қандай бўлди? Обкомдан райкомга «разнарядка» берилди. Бунда, масалан, бўлажак обком аъзосининг ёши, лавозими, партиявий ва иш стажи, маълумоти, давлат мукофотлари кўрсатиларди. Бу шартларнинг биронтаси тўғри келмаса, у ҳар қанча қобилиятли бўлишидан қатъи назар, «имтиҳон»дан ўтолмасди. Оқибатда, кўп ҳолларда ташаббуссиз, жон қойитмайдиган, ҳатто ёлчитиб газета-журнал ўқимайдиган одамлар ҳам пленум аъзолигига сайландилар. Бундай маънавий қашшоқ кишидан (мен, атайин, коммунист демаяпман) нимани ҳам кутиш мумкин? Бундай фаоллар ҳозир ҳам кўп.

В. ХАРЛАМОВ: — Уларнинг айримлари ўз хатти-ҳаракатлари билан область партия ташкилоти номига доғ тушираётирлар. Обком аъзоси О. Чориевни олайлик. У Термиз районидаги «Гулбаҳор» совхозида звено бошлиғи эди. У давлатни алдаш йўлига ўтиб олди. Уй бекаларига, 6-синфда ўқийдиган қизлари номига табель тўлғазди. Ўзининг қизига ҳам шу йўл билан салкам 900 сўм иш ҳақи «тўлади». Термиз шаҳар партия комитети аъзоси Г. Назарова бир оиланинг бузилишига сабабчи бўлди. Партиявий топшириқлардан бўйин товлади. Партия аъзолиги бадалларини тўламай қўйди. Охир-оқибат, у КПСС сафидан чиқарилди. Бундай мисоллар, афсуски, якка-ёлғиз эмас.

Ҳ. БЕРДИЕВ: — Олдимизда шаҳар ва районлар, область партия конференциялари турибди. Воҳа партия ташкилотларида бу анжуманларга тайёргарлик якунланяпти. Биз нима қилмоқчимиз? **Энди «разнарядка» ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бизга овоз бериб кетадиган вакилларнинг ҳеч ҳам кераги йўқ. Сайлаб қўйилган орган аъзоси коммунистлар манфаатини амалда ҳимоя қила оладиган бўлсин. У партия ташкилотининг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш учун жон қойитсин. Бизга шундай фаоллар керак.** Маълумки, сайлаб қўйиладиган партия органларини шакллантириш тартибига жиддий ўзгаришлар киритилди. Лекин кўпчилик партия ташкилотлари кўрсатмадан четга чиқмасликка ўрганиб қолганлар. Бу нотўғри. Кўрсатма ҳам ҳаёт талабига, шароитга қараб, ўзгариб туриши мумкин. Қотиб қолган ҳеч нарса йўқ. Биз ижодий изланишлар қилишимиз керак. Биз бу йил конференция делегатлигига кимни танлашни юз фойиз коммунистлар ихтиёрига топшириб қўйдик. Улар бир неча номзод орасидан бир кишини ёпиқ овоз бериш йўли билан делегат қилиб сайладилар. Пленум аъзолигига танлаш ҳам худди шундай, кўпчилик иштирокида ҳал қилинади. Биз партия аъзоларидан, оддий меҳнатчидан маслаҳат олишдан ҳеч чўчимаслигимиз керак. Ҳамма иш очиқ-ошкора бўлмоғи лозим. Эҳтимол, бировлар, «Олдин ҳам шундай тартиб бор эди», дейишлари мумкин. Ҳа, бор эди. Аммо қоғозда эди, холос. Аслида эса ҳамма ишни юқорида «пишитишарди».

Бу йил нафақат пленум аъзолари, балки шаҳар ва район партия комитетлари котибларини танлашни ҳам улар ихтиёрига бериб қўямиз. Бир ўринга икки-уч номзод бўлади. Улар халққа, коммунистларга ўз режаларини айтсинлар. Кейин делегатлар — коммунистларнинг вакиллари улардан бирини ўзларига етакчи қилиб сайласинлар. Менинг ишончим комилки, ана шундай қилсак, қайта қуришнинг ҳақиқий яловбардорларини партия органига танлаган бўламиз. Буни меҳнатчи албатта қўллаб-қувватлайди. Ҳозир эса бир қисм партия ходимлари, сайлаб қўйилган актив ҳатто халқ олдига чиқишдан чўчийди.

Ш. МУҲАММАДИЕВ: — Халқ олдига чиқишдан қийини йўқ. Ҳозир оддий меҳнатчи кўп нарсани билади. Энди сиёсий адабиётлар, газета ва журналлар материаллари билан қуролланишнинг ўзигина камлик қилади. Партия фаоли ҳаёт муаммоларини ҳам чуқур билиши керак. Менинг эса ҳаётий тажрибам етарли. Ишчиларнинг дардига шерикман. Улар билан доим биргаман. Лекин очиғи, сиёсий саволларга дадил жавоб беролмайман. Тўғри, мен обкомдан турли мавзуда ҳужжатлар олиб тураман. Менга у ёки бу партия ташкилотида аъзолик бадалларининг тўланишини текшириб беришни топширадилар. Бу яхши. Аммо бизга ўхшаган оддий обком аъзоларига ҳаёт ва сиёсат бобида савод ўргатиб, сабоқ бериб бориш ҳам керакка ўхшайди. Мен нега бундай деяпман?

Яқинда бир ишчи менга шундай деди: «Ўтган йили ўзбек тилига давлат мақоми бериш ҳақида Қонун қабул қилинди. Қани, унинг ижроси? Ҳаммаси ўша-ўша. Хўш, бу борада партия ташкилоти нима иш қиляпти?». Бундай пайтда тил тишлаб қоларкансан, киши. Шундай вазиятда биз нима қилишимиз керак? Жавоб қайтармасликдан ёмони йўқ. Унда одамлар бизнинг устимиздан куладилар. Бу охир-оқибат, партиянинг обрўсига таъсир қиладими? Ҳа, таъсир қилади.

Яна бир гап. Телевиденида Бокудан олиб кўрсатилган репортаж ҳамманинг эсида бўлса керак. Одамлар партия билетларини — муқаддас гувоҳномаларини ёқишдия! Бу даҳшат-ку, ахир! Миллионлаб кишилар уни кўрдилар. Бундай ҳолда партияга эътиқод қоладими? **Бироқ одамлар қалбидаги ишонч сўнмаслиги керак. Бундай пайтда, масалан, Марказком, обком, шаҳарком, райком аъзолари нима қилишлари керак? Шошилинч халқ ичига боришлари, улар билан бамайлихотир мулоқот қилишлари лозим эди.** Бунинг учун бизни озми-кўпми «ўқитиш»лари, кўпчиликка маълум бўлмаган маълумотлар билан қуроллантиришлари зарур эди. Бизни сиёсий лекциялар билан эмас, оддий суҳбатлар билан маълумотимизни оширсинлар. Бу «таълим соатлари»да меҳнатчи томонидан берилиши эҳтимоли бўлган мураккаб саволларга малакали жавоблар қайтарилсин.

Ҳ. БЕРДИЕВ: — Бу яхши таклиф.

Г. НИЁЗОВА: — Мен беш йил цех партия ташкилоти котиби бўлдим. Коммунистлар активлигини ошириш учун фаоллар кўп ишлашлари керак. Бу тўғри гап. Аммо кўп нарса бошланғич партия ташкилотига ҳам боғлиқ. У маълум мавқега эга бўлиши зарур. Оддий бир мисол. КПСС нинг амалдаги Уставида бошланғич партия ташкилотларининг маъмурият фаолияти устидан назорат қилиши қайд этилганди. Аслида бошланғич ташкилот бу назоратни амалга ошира олмади. Котиб сал «нотўғрироқ» ҳаракат қилиб қолса бошлиқ унга ўша заҳотиёқ: «Бу тафтишдан мақсад нима?» дейдиган бўлди. Бир қисм коммунистлар ҳам раҳбарнинг айтганидан чиқолмайдилар. Оқибатда котиб айбдор бўлиб қоларди. Бундай ҳоллар кўп бўлган. Чунки котибнинг қўлида ҳеч нима йўқ-да. Моддий рағбатлантиришни-ку айтмай қўя қолайлик. У ҳатто ўзича фахрий ёрлиқ ҳам беролмайди. Коллектив раҳбарининг имзоси унинг имзосидан юқори туриши керак. Ана шунақа!

И. ҚУВВАТОВА: — Бунга ҳали кўп бўлгани йўқ, фермамиз соғувчилари олдида чиқиш қилдим. Улар, «Бизга бундай ширин сўзлар айтгунча шакар топишга ёрдам беринг!, дейишди. Кўнглимда, «РайПОга борда, соғувчилар талабини айт», дедим. Аммо мен райПО раисини танимайман. У ҳам менинг кимлигимни билмайди. Билган тақдирда ҳам, барибир, минг сабаб топади. Бекорга вақтим кетгани қолади. Шундай мулоҳазалар билан колхоз партия комитети котиби олдига бордим. Унга ҳамма гапни айтдим. У ҳам кимлар биландир гаплашди. Раис орага тушди. Райкомдагиларни ҳам ишга солдик. Ишқилиб, озроқ шакар, ун, совун, кир ювиш порошоги олиб келишди. Айтинг-чи, шунча машаққатлардан кейин бундай ишга яна қайтиб кимнинг қўл ургиси келади?

Г. НИЁЗОВА: — Бунисси-ку ҳали ҳолва. Жанжал қилиб бўлса ҳам бирон нарса ундириш мумкин. Бошқа бир қийинроқ муаммо ҳам бор. Мен аграр масалалар бўйича комиссиянинг аъзосиман. Ойида бир марта комиссия мажлиси бўлади. Обком аъзоси сифатида ягона сиёсий кунда қатнашаман. Бунга ҳам ойида бир кун кетади. Тез-тез турли партиявий топшириқлар ҳам бериб туришади. Бунга ҳам вақт керак. Булардан ташқари пленум, фаоллар йиғилишлари, область миқёсидаги кенгашлар, семинарлар ҳам бўлаётир. Шунга ўхшаш тадбирлар район ва хўжаликда ҳам ўтказилмоқда. Хуллас, ҳар ойда бир неча марта асосий ишимдан қолишимга тўғри келяпти. Менинг ишим эса нозик. Қўлимда 20 бош сигир бор. Улар менга жуда ўрганишган. Бошқа биров соғадиган бўлса, ярим сутини ҳам бермайди. Уч-тўрт марта шундай ҳол такрорланса, сигирнинг сути қуриб қолади. Шунинг учун йиғилишларга келадиган кунларим тонготарда туриб фермага бораман. Сигирни соғиш, емиш ташлаш учун 2 соат вақтим кетади. Чарчайман. Кейин 200 километр йўл босиб, Термизга келишим керак.

Гап бунда ҳам эмас. Мен шундай ташвишлар билан бўлиб, ҳар бош сигирдан 100 килограммдан сут кам соғиб олдим. Обком аъзоси бўлгунимга қадар хўжаликда энг пешқадам соғувчи эдим. Энди эса, ўртача кўрсаткич! Менга бошқаларга ўрнак кўрсатишим керак эди-ку! Буёғи қандоқ бўлди? Кейин... Назаримда, раҳбарларим ҳам менга бошқача кўз билан қараётганга ўхшаб қолди. Биз нима қилайлик? Икки кеманинг бошини тутиб бўлмайди-ку?

Ш. МУҲАММАДИЕВ: — Мен ўтган пленумда сўз олдим. Рости, менга ҳам қийин. Оддий ишчиман. Қанча ишласам, шунча ҳақ оламан. Йиғилишларга қатнашганим учун менга ҳеч ким пул тўламайди. Пленумда масалани кўндаланг қўйдим. **Фаоллар ҳақида қонун қабул қилинмас экан, ҳеч иш қилиб бўлмайди. Тўғрисини айтсам, обком аъзоси тугул Марказком аъзосининг ҳам имкониятлари чегараланган. Мана, қаранг, СССР халқ депутатлари ҳақ-ҳуқуқи белгилаб берилдими? Белгиланди. Уларга ҳатто ойлик ҳам тўланади. Бунинг устига каттагина маош тўлаш шарти билан ўзига ёрдамчи котиб ҳам саклай олади. Унга, зарур бўлганда, машина ҳам, кабинет ҳам ажратадилар. КПСС Марказий Комитети ёки Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзосига-чи? Амалдор бўлса, балки унга қийин эмасдир. Лекин оддий ишчи ёки колхозчи бўлса борми, унга жуда ҳам оғир!**

Юқорида бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш ҳақида фикр-мулоҳазалар айтилди. Бу ташкилот партия ҳаётида шу қадар муҳим роль ўйнаркан, нега унинг котибига маош белгилаб қўйиш мумкин эмас? Ахир шунда масъулият ўн баравар ошмайдими? Масъулият ошган жойда, иш кўнгилдагидай юришиб кетаверади. Хуллас, гап партиянинг келгуси тақдири ҳақида кетаётирми, марҳамат, унинг юксак мавқеини таъминлаш учун ҳамма чора-тадбирларни кўриш керак-да.

В. ХАРЛАМОВ: — Менимча энг аввало, сайлаб қўйилган фаоллар мавқеи оширилиши лозим. Бизнинг ҳам ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Масалан, фаоллар тажрибаси деярли ўрганилмайди. Жон қойитиб ишлаган ҳам, ҳар икки-уч ойда пленумга бир келиб кетадиганлар ҳам бир. Биз бундан кейин фаоллар ўйрежалари, қилган ишлари ҳақида кўпроқ сўраймиз. Уларнинг тажрибаларини оммалаштирамиз. Ахир, уларнинг айримлари обком аъзоси эканликларини ҳатто ўз коллективларида ҳам билишмайди.

Ҳ. БЕРДИЕВ: — Турғунлик давридан қолган ёмон бир одат бор. **Партия аппаратидан вакил хўжаликка борса, колхоз раисини суриштиради. Нега у партком котибини суриштирмайди? Нега партия ташкилоти фаолларини изламайди? Обком ёки райком котибими, марҳамат, олдин парткомдагилар билан гаплашсин. Аҳволни улардан сўраб билсин. Раис ҳам коммунист. У ҳам партком аъзоси. У партия ташкилоти иродасига буйсунишга мажбур.**

Б. ҲАЙДАРОВ: — Ана шунда нафақат партком котибининг, балки партия ташкилотининг ҳам обрўси юксаларди.

Ҳ. БЕРДИЕВ: — Тўғри. Шунда халқ унга ишонарди ҳам. Ишонч — бу кўп нарса. Суҳбатимиз сўнггида яна бир масалага тўхталмоқчиман. Бу — партия аппаратига ходим танлаш хусусида. Шу пайтгача аппаратга кадрни ишлаб чиқаришдан танланарди. Уларни пишитиб, ишиқтириб, яна ишлаб чиқаришга қайтариш ниятида шундай қилинарди. Бироқ у партия ишини биладими-йўқми, бу билан ҳеч ким қизиқмасди. Бугунги кунда бу тажриба иш бермай қолди. КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасида **партия аппаратида «ишлаш учун яхши тайёргарлик кўрган, билимдон, қобилиятли партия аъзоларини жалб қилиш имконини берадиган шароитларни яратиш керак»** деб жуда тўғри кўрсатилди, мен ана шунга қўшимча қилиб партия аппарати ишига кадрни бошланғич партия ташкилоти секретарлари ичидан ёки сайлаб қўйилган фаоллар орасидан танлаш ҳам керак, дейман. Масалан, **обком аппаратига бошланғич партия ташкилоти секретарларидан ёки обком аъзоларидан таклиф қилиш мумкинми? Мумкин. Чунки у синалган одам. У обком ишига аралашиб юрибди. Уни ойлаб, ҳатто йиллаб ўргатишга ҳожат йўқ. У халқ билан бемалол мулоқот қила олади. Бу билан биз фаоллар сифат таркибини ҳам яхшилаган, уларнинг ишчанлигини оширган бўлардик.**

Биз КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми ҳужжатларида ва Марказий Комитетнинг Ҳаракат дастури лойиҳасида кўтарилган масалалардан бири — сайлаб қўйилган партия органи фаоллари ишининг айрим қирралари ва айрим муаммолари хусусида тўхталдик, холос. Ҳақиқатда, уларнинг фаолият доиралари жуда кенг. Биз нафақат сиёсий, партиявий ва тарбиявий ишлар билан, балки область иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалари билан ҳам яқиндан шуғулланишимиз керак. Воҳа меҳнатчилари олдида эса катта вазифалар турибди. Орқада қолаётган соҳаларимиз кўп. Уларни илғорлар қаторига олиб чиқишимиз керак. Бусиз қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди. Область халқ хўжалигининг барча тармоқлари келгуси йилдан бошлаб тўла хўжалик ҳисобига ўтади. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлай олмайдиган бironта ҳам корхона ёки хўжалик бўлмаслиги лозим. Қарз кўтариб, давлат ҳисобига яшашнинг энди иложи йўқ. У пайтлар ўтиб кетди.

Яна шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, уларга томорқа олишда, уй-жой қуришда кўмаклашиш, савдодаги ҳаридоргир моллар, кундалик эҳтиёж товарлари танқислигига чек қўйиш... Бу муаммоларни ҳал қилиш учун сайлаб қўйилган партия органи фаоллари бош қўшишлари керак. Хуллас, катта имтиҳон ҳали олдинда. Бу — ҳаёт-мамот имтиҳони. Бу — партия тақдирини ҳал қиладиган имтиҳон. Ундан муваффақиятли ўтиш эса сиз билан бизга, область коммунистларига боғлиқ. КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми белгилаб берган вазифа ана шундай. Шунга эришишимиз керакки, ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнатчи КПСС XXVIII съездига пухта тайёргарлик кўриши, партия ишини, бутун ҳаётимизни қайта қуриш ва янгилаш жабҳасида фаол иштирок этиши зарур.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони»мухбири Н. ҲАЙИТҚУЛОВ ёзиб олди.

МАМЛАКАТ КАСАБА СОЮЗ МАРКАЗИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

МОСКВА, 17 апрель. (ТАСС мухбири). Мамлакат касаба союз ҳаракатини тубдан янгилаш программасини қабул қилиш СССР касаба союзлари XIX съездининг асосий вазифасидир. Бугун бўлиб ўтган ВЦСПС пленумида ВЦСПС XIII съездини шу йил 23 октябрда Москвада чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Уставга мувофиқ съезд 1992 йилнинг бошларида бўлиши керак эди, ижтимоий турмушдаги муҳим ўзгаришлар касаба союз анжуманини ўтказишни тезлаштирди. Олдинги съезддан буён ўтган уч йил ичида, деб таъкидланди пленумда, совет жамиятида касаба союзларининг роли ва ўрни қайтадан идрок этилди. Касаба союзларининг меҳнаткашларни ҳимоя қилиш вазифаларини кучайтириш, уларни ўзига хос бўлмаган вазифалардан озод қилиш, айниқса бошланғич ташкилотлар даражасидаги мустақиллик сари жиддий бурилиш содир бўлди.

Съездолди даврида меҳнатни муҳофаза қилиш, пенсиялар, отпускалар тўғрисидаги қонунларни, баъзи бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни тезроқ қабул қилиш учун кураш касаба союзларининг энг муҳим вазифасидир, дейишди нотиқлар. ВЦСПС президиуми пленум номидан ҳукуматга ҳар йили мамлакатнинг касаба союз маркази билан ижтимоий-иқтисодий муаммоларга доир махсус битим — ўзига хос миллий коллектив шартнома тузишни таклиф этишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Пленумда СССР ягона касаба союз маркази қандай бўлиши кераклиги ҳақида қизғин мунозара бўлди. Натижада совет касаба союзлари конфедерациясини тузиш тўғрисидаги декларация лойиҳасини, шунингдек конфедерация фаолиятининг асосий ташкилий принциплари ва тартибини съезд муҳокамасига қўйишга қарор қилинди. Пленум қатнашчилари ана шу ҳужжатларни касаба союз коллективларида муҳокама қилиш натижаларини ҳисобга олиб, уларни ВЦСПСнинг бўлажак анжуманига ҳаракат дастури сифатида маъқуллаш учун 14 май куни яна тўпланадилар.

Ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Пленум С. А. Шалаевни пенсияга чиққанлиги муносабати билан шахсий илтимосига кўра ВЦСПС раиси вазифасидан озод қилди ва совет касаба союзларидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати учун унга миннатдорчилик билдирди. Бу лавозимга илгари ВЦСПС раисининг ўринбосари бўлган СССР халқ депутати Г. И. Янаев сайланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский, КПСС Марказий Комитетининг секретари О. Д. Бакланов қатнашдилар.

ЗАМОНАВИЙ МАШИНАЛАР БИЛАН ТИЛЛАШИБ

● Урганчда Хоразм вилоятн статистика бошқармасининг янги биносига замонавий машиналар ўрнатилди. Янги электрон ҳисоблаш жиҳозлари, шахсий компьютерлар ишни енгиллаштирмоқда. Замонавий техника ёрдамида қўлда бажариладиган ишлар ҳажми камайди, маълумотларни қайта ишлаш жараёни тезлашди. Вилоят халқ хўжалигидаги барча соҳаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини чуқур таҳлил этиш имкони юзага келди.

Бошқарма ходимлари давлат буюртмасидан ташқари шаҳардаги 40 та корхона ва ташкилотнинг юмушларини ҳам бажараётир.

Суратда: Н. Лихачева маълумотларни қайта ишламоқда.

Қ. ОТАЕВ олган сурат.

(ЎзТАГ).

МАСАЛАНИ ҚИЗИШМАЙ, ҲОЛИСОНА ҲАЛ ЭТАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, нотиқнинг айтишича, ҳисобот СССР Олий Советининг ҳуқуқ-тартибот ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари комитетининг ўтган йил мобайнида Гдлян билан Ивановнинг омма ўртасидаги нутқлари мазмуни ва руҳи хусусидаги якуни билан ҳам тўлдирилган.

Р. А. Медведев ўзи ҳамраислик қилаётган комиссия «сайловчилар кенг оммаси» номидан иш кўраётган Гдлянни ҳимоя қилиш комитетлари томонидан тазйиқ муҳитида ишлаганини таъкидлади.

Дарвоқе, мажлис қатнашчилари Кремлнинг ёнгинасида, Манеж майдонида айни шу вақтда митинг ўтаётганини билишмаган бўлса керак. Митингда Гдлян билан Ивановни ҳимоя қилувчи шиорлар, тўғрисини айтсак, Президент ва Президентлик кенгаши шанига масъулиятсиз айбловлар, СССР Олий Совети номига андишасиз таҳдидлар эшитилди. Митингда СССР ва РСФСР халқ депутатларининг айримлари, шунингдек янги чақириқ Москва Совети биринчи сессияси қатнашчиларининг катта гуруҳи ҳозир бўлганига ақл бовар қилмайди.

Комитет раиси Ю. В. Голик Олий Советнинг ҳуқуқ-тартибот ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари комитети баёнотини шарҳлаб берди. У СССР халқ депутатлари Т. Х. Гдлян билан Н. В. Ивановнинг «Вечерний Ленинград» газетасида 1990 йил 13 февралда эълон қилинган «мурожаатномаси»га тўхталди. «Мурожаатнома»нинг 1-11-бандларига келсак, деди депутат, уларда муаллифларнинг сиёсий қарашлари ва йўл-йўриқлари акс эттирилган бўлиб, ҳуқуқ-тартибот масалаларига фақат бевосита тўхталиб ўтилган. Айни вақтда «мурожаатнома»нинг 12-бандида «СССР Олий Советининг Раиси Горбачев, унинг биринчи ўринбосари Лукьянов Лигачев билан биргаликда мафиянинг бош ҳомийлари ролини ўйнаётганликлари» тўғрисидаги даъволар баён этилган. Бундай даъволар, дейилади комитет хулосасида, жиноят составининг туҳмат деб аталадиган объектив томонлари кўринишларидан иборат.

Сўнгра, «мурожаатнома»да, деди Ю. В. Голик, «1990 йил 1 Майда, меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунида ялпи сиёсий намойиш ва забастовкаларни бошлаб юборишга ҳамда мамлакатни ижтимоий фалокатга олиб бораётган манфур, ғайриқонуний сиёсий тўдани ағдариб ташлашга» даъват баён этилган. Комитет аъзоларининг фикрича, бу баёнот жиноят составининг ҳақорат деб аталган объектив томонлари кўринишларидан иборат. Бундан ташқари, бундай даъватлар «қонуний ҳокимиятга қарши зўравонлик ҳаракатларини келтириб чиқариши» мумкин.

СССР Бош прокурори А. Я. Сухарев депутатлар ҳузурида сўзга чиқиб, ўзи уларга тарқатган ССР Иттифоқи Прокуратураси тақдимномасини изоҳлаб берди. Прокуратура, деди у, мазкур ҳужжат зарур фактли материалдан иборат бўлиб, тасаввуримиз ҳуқуқий жиҳатдан етарлича асослаб берилганлигига таянади. Бундай масала Олий Совет сессияси муҳокамасига тақдим этилишининг ўзи — парламентимиз тарихида алоҳида ҳодисадир. Расмий жиҳатдан у депутатлик дахлсизлигини мустаҳкамлаган янги қонун билан боғлиқ, деб тушунтирди Бош прокурор.

Музокарага ёзилганлар рўйхати — 62 киши — ҳеч кимни ҳайратлантирмади. Залда бирорта ҳам лоқайд, зериккан киши бўлмади. Кўпгина нотиқларнинг нутқларида ғайриқонуний ҳаракатлар билан ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилишга, боз устига, ҳуқуқий давлатни барпо этишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги фикр янгради.

Чунки бунга йўл қўйиш қайта қуриш қоралаган ўттизинчи-қирқинчи йиллар бебошликларига қайтишни билдирган бўлур эди. Комиссия ҳам, бир қатор нотиқлар ҳам Гдлян ва Ивановнинг тергов группаси раҳбарлари сифатидаги фаолиятини худди шундай таърифладилар.

Комиссия ўз олдига қўйилган барча аниқ саволларга жавоб қайтарди, деди қатъийлик билан депутат М. А. Струков. Т. Х. Гдлян билан Н. В. Иванов томонидан қонунни бузиш фактлари жуда кўп бўлган, деб таъкидлади у. Депутат А. Г. Чехоевнинг фикрича, Гдлян ва Иванов жамиятда ўткир ҳис этилаётган «адолатга чанқоқликдан фойдаланиш моқда». Иккови ҳам, нотиқнинг сўзларига қараганда, қайта қуришни барбод этишни истаётганлар қўлида қуролдир.

Баъзи депутатлар кейинги ойларда Гдлян билан Ивановнинг митингларда ниҳоятда фаоллик кўрсатаётганлиги сабаблари ҳақида гапириб, бунда авантюризмнинг яққол кўринишлари борлигини таъкидладилар. «Гдлян билан Иванов ўз теварагидаги жанжал тўхтамаслигидан манфаатдордирлар, деган таассурот туғилмоқда» — деди депутатлар комиссиясининг аъзоси Н. И. Игнатович, дарвоқе у комиссия хулосасига имзо чекмасдан, алоҳида фикр билдирган эди.

Гдлян билан Иванов нимага асосланмасин, деб таъкидланди нутқларда, улар теварагида эҳтиросларнинг авж олдирилиши ўз-ўзидан қайта қуришга қарши қаратилгандир. Айрим радикал гуруҳлар, деб таъкидлади шу мносабат билан москвалик ҳуқуқшунос К. Д. Лубенченко, бугун уларнинг икковидан ҳам ҳокимият қалъаларини бузиб юбориш учун найза сифатида фойдаланишмоқда. Депутатлардан бири ўз ҳамкасби — шоир Ўлжас Сулаймоновнинг: шундай одамлар миллий қаҳрамонларга айланишганида мамлакат хавф остида қолади, деган иборасини эслатди.

Фикрлар ва эҳтиослар хилма-хиллигига қарамай, мунозара мамлакатдаги қонунчилик ва ҳуқуқ-тартботнинг ўткир муаммоларини кўндаланг қилиб қўйди. Биз ҳуқуқий давлат барпо этмоқдамиз. Лекин ҳам ҳуқуқий, ҳам тергов системаларимиз мукаммалликдан ҳали нақадар йироқ! Кўпгина нотиқларнинг фикрича, депутатлар олаётган хат-хабарлар ана шундан далолат бермоқда. Уларда ноҳақ ҳақоратланган ва туҳматга учраган меҳнаткашларнинг шикоятлари катта ўрин эгаллаган.

Мунозара чоғида давлат бошлиғининг обрўйи каби муҳим муаммо устида ҳам жиддий ўйлаб кўришга фурсат бўлди. Унинг обрўйини сақлаш ва ҳимоя қилиш керак, деб ҳисоблайди депутат С. В. Ангапов. Депутатнинг сўзларига қараганда, Президент давлат тимсоли, Президентни ҳақоратлаш — мамлакатни ҳақоратлаш демакдир. Президент шанига исботсиз туҳмат қилишга уринишларнинг пайи қонун билан узил-кесил қирқилиши керак. Бу қонун унинг шани ва қадрини ҳимоя қилиши керак.

Мунозаранинг бир қисмини «биз, қуйида имзо чекканлар...» деган сарлавҳа остида эълон қилиб, ўзларининг алоҳида фикрини билдирган депутатлар комиссияси аъзоларининг мулоҳазаларини бериш мумкин эди. Уларнинг ҳаммасига сўз берилди. Ҳар бир кишга ҳисобот остига имзо чекишга йўл қўймаган сабабларни йиғилиш ҳалига баён этиш имкониятига эга бўлди.

Ҳисоботга имзо чекмаган бир қанча депутатлар, улар орасида комиссия аъзолари ҳам бор, ўз ҳамкасбларининг хулосаларини баҳсли ва ҳатто холис бўлмаган хулосалар деб топишди. Улар билдирган мулоҳазаларда Гдлян билан Иванов неча ўн йиллар мобайнида мамлакатда авж олган қонунсизлик системасининг мурватлари ва қурбонлари бўлишди, демак «айбдор улар эмас, системадир», деган фикр устун турди.

Депутат А. А. Собчакнинг фикрича, комиссиянинг ҳисоботи аниқ ҳуқуқий далилларга зарар етказувчи тавсифчилик билан тўлиб-тошган. СССР Прокуратурасининг тақдимномасини кечиктиришни таклиф этиб, у бир қанча парламент комитетларида қўшимча муҳокамалар ўтказиш, сўнгра эса уларнинг натижаларини палаталар мажлисида кўриб чиқишни ёқлаб гапирди. Шу билан бирга у ҳамкасбларига Гдлян билан Ивановнинг оммавий ахборот воситаларидаги сиёсий баёнотларини қоралашни таклиф этди.

Депутат Б. Н. Ельцин кўриб чиқилаётган масалага бевосита алоқадор ташкилотларнинг — Прокуратура, Суд, Давлат хавфсизлиги комитети, СССР Олий Совети Президиумининг фаолиятига баҳо берилмаганлигини тақдим этилган ҳужжатнинг муҳим камчиликларидан бири, деб атади. КПСС Марказий Комитети билан унинг Сиёсий бюроси бу масала хусусида қандай иш кўрганлигини комиссия материалларидан билиб олиш қийин, деди у.

Бошқа нутқларда ҳам ССР Иттифоқи Прокуратурасининг тақдимномаси Гдлян билан Ивановга нисбатан ҳаққоний эмас, деган фикр айтилди. Комиссия таркибига «мустақил мутахассислар» киритилиши ва унинг иши давом эттирилиши тўғрисидаги фикр ҳам баён этилди.

Раислик қилувчи ишларни бошқаришда Гдлян билан Ивановнинг четлатилганлиги гўё мамлакатда порахўрликка қарши кураш нинг тўхтатилишига олиб келди, деган тез-тез такрорланиб турган даъволарга жавоб қайтариб, СССР Олий судининг тегишли маълумотларини келтирди. 1986-1989 йилларда мамлакатда мансабидан фойдаланиб қилинган ўғирлик хусусида 363 мингта иш, шу жумладан кўп ва ниҳоятда кўп миқдордаги ўғирлик хусусида қарийб 40 мингта иш, пора олганлик хусусида 28 мингдан ортиқ иш қўзғатилган. 105 мингдан ортиқ шундай иш кўриб чиқилиб, судларга оширилган. Шу давр ичида ўғирликлар тўғрисида кўриб чиқилган ишлардан маълум бўлишича, етказилган зарар 900 миллион сўмни ташкил этган. Тергов органлари давлатга 432 миллион сўмни қайтариб берган.

Мажлисга тақдим этилган материаллар юзасидан баҳслар кеч оқшомдагина тугади. Олий Совет депутат И. Д. Лаптевнинг таклифига кўра, муҳокама этилаётган масалага оид қарорни муҳокама қилишга киришди. Олий Совет комиссиясининг иши тўғрисидаги ҳисоботни маълумот учун қабул қилиб, унинг иши ниҳоясига етган, деб ҳисоблаши тўғрисидаги банд бирмунча хотиржамлик билан овозга қўйилди. Сўнгра эса яна ўткир мунозара авж олиб кетди, бу сафар — СССР халқ депутатлари Т. Х. Гдлян билан Н. В. Ивановни ССР Иттифоқи Прокуратураси органларидан бўшатиш ва Т. Х. Гдлян бошчилигидаги тергов гуруҳининг фаолиятини текширишни ниҳоясига етказиш устидан назорат қилиш учун мустақил прокурор тайинланишига парламентнинг розилиги тўғрисида кескин мунозара авж олди. Бироқ бу кеча мунозаралар ниҳоясига етказилмай қолди. Қарорнинг мазкур бандини овозга қўйиш кейинги кунда бўладиган эрталабки ялпи мажлисга қолдирилди.

Л. ШВЕДОВА,
В. БЕЗБРЕЖНИЙ,
Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
В. ОРЛОВ.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан

УСТОЗНИНГ УШАЛМАГАН ОРЗУЛАРИ

Саъди Ҳасанович Сирожиддинов мактаб яратган аллома, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор, Беруний мукофоти лауреати, Риёзиёт фанига 10 та фан доктори, 50 дан ортиқ фан номзодини тайёрлаб берди. 5 та монография, иккита дарслик, юздан ортиқ илмий мақолалари халқимизнинг маънавий бойлигига, мулкига айланиб қолди. У 32 ёшида фан доктори, 34 ёшида Москва давлат дорилфунунининг профессори эди...

Илмий ишлари билан жаҳонга танилган олим Ўзбекистонда илм-фан, маориф, олий таълим ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Устоз 1966—70 ва 1983—87 йилларда Тошкент дорилфунунининг ректори бўлиб ишлади. Бу даврлар Тошкент зилзиласи, дорилфунунининг янги биносини қуриб тугатиш, ишга туширириш ҳамда қайта қуришнинг илиқ шабадаси эса бошлаган даврлар эди. Саъди Ҳасанович талайгина ишларни амалга оширди. Аммо устод қалбида ушалмай қолган орзулари ҳам кўп эди...

Биринчи орзу. Дорилфунунимиз шаҳар марказидаги инқилобдан аввал қурилган бинолардан 1968 йилда ҳозирги А, Б, В ўқув корпусларига «кўчиб» келди.

Дорилфунуннинг Куйбишев кўчасидаги Асосий кутубхонаси ҳам, табиийки, «кўчириб» олиб келинди. Шунда кутубхонани кўчиришдек қийин иш йўқлиги маълум бўлиб қолди. Кутубхонамизнинг ҳозирги биноси унга мос эмас, бу бино аввал студентлар ётоқхонаси бўлган. Устод Сирожиддинов замонавий кутубхона биносини қурдиришни орзу қиларди. Домланинг фикрича, кутубхона замонавий, бой хотирали ЭҲМлари билан жиҳозланган бўлиши керак эди: китоб ва журналларга буюртма бериш ЭҲМ орқали бўлади, кутубхонага оид барча маълумотлар — унинг фонди, ўқувчилари ҳақидаги ахборотлар ЭҲМ хотирасида сақланади. Бундай кутубхона бир қанча бошқа йирик кутубхоналар билан ер ости кабеллари орқали алоқа қилиб туради. Бу кутубхонада йўқ китоб, масалан, Алишер Навоий номидаги кутубхонада бор бўлса, буюртма тугмачаларини боссангиз столингиздаги ўз компьютерингиз кўзгусида зарур китобингизни кўриб турасиз... Бу зинҳор фантастика эмас эди, зеро бундай кутубхоналар дунёнинг кўпгина дорилфунунларида бор. Улар бир мамлакат доирасида эмас, балки, бошқа мамлакат кутубхоналари билан ҳам компьютерлар орқали ўзаро боғланган. Сизга керакли маълумотлар «яшин тезлигида» олинади.

Албатта, бундай кутубхона қурилиши юксак мухандислик савияси ва ўта аниқ ҳисоб-китобни тақозо қилади. Устод дорилфунунимиз учун ана шундай кутубхонани орзу қилдилар...

Иккинчи орзу. Москвадаги физика-техника (физтех) институти дунёга машҳур. У мамлакатимизнинг йирик, етакчи олимлари қалб қўри билан йўғрилган, меҳри билан ардоқланган. Академик ва унинг мактаби бугун олган илмий натижа, қўлга киритилган ютуқ, кашфиёт шу бугуноқ, кечи билан эртасига талабаларга маълум қилинади, лабораториялар ўта замонавий асбоб-ускуналар, ЭҲМлари билан жиҳозланган. Талабалар ниҳоятда кучли конкурс орқали танлаб олинади. Уларнинг кўплари физика-математика бўйича махсус мактаб-интернатларни битириб чиқишган болалар. Риёзиёт ва физикадан кириш имтиҳонлари нусхалари Москва давлат дорилфунуникидан ҳам қийин ва мураккаб. Физтехни тугатиш бахтига муяссар бўлган мутахассиснинг «бозори чақ-қон»: академиянинг энг нуфузли институтларидан тортиб машҳур конструкторлик бюроларининг эшиклари улар учун доимо очиқ.

Домлада ана шу ўқув юртига ҳар йили 20—25 ўқувчини юбориш орзуси бўлган. Улар бутун Ўзбекистон бўйича саралаб танланиб, Тошкентда имтиҳон топшириб, ўқишга Москвага физтехга боришлари керак эди. 1984 йили ана шундай бир гуруҳни физтехга юборишди ҳам. Аммо ҳамма талабаларимизнинг ҳам омадлари чопмади, кўпчилиги физтехни битира олмай қайтди. Бунинг турли сабаблари бор: ниҳоятда юксак талаб ва баланд савияга болаларимиз «чидаш» бериша олмади, чоғи. Болаларимизнинг бизнинг «ўлчови»мизда яхши бўлган билимларининг физтех мезонида кемтиклиги борлиги аниқланди. Боз устига, талабалар мактабларни ўзбек тилида битиришган, русча илмий атамаларни яхши билишмасди, тиллари илм бобида яхши «чархланмаган» эди... Оиладаги иқтисодий аҳвол ҳам ўз ишини кўрсатган бўлиши мумкин, албатта. Бу воқеа бизлар учун бир сабоқ бўлиши керак. Болаларимизга энг юксак талаблар даражасида пухта, чуқур билим беришимиз ва рус тилини, чет тиллардан камида бирини мукаммал эгаллашларига эришишимиз лозим. Ҳозир ҳар йили 2—3 талабани физтехнинг 4—5-курсларига (кўпинча, диплом иши ёзиб келиш учун) юбориб турибмиз, холос.

Ҳар йили Москва физтехига Ўзбекистондан физтех талабига жавоб берадиган, у ерда ўқиб кета оладиган бир гуруҳ талабаларни юбориб туриш — домла қалби тубидаги бу эзгу ният, эл-юрт, халқимиз, фанимиз келажаги, тақдири кўзланган мусаффо орзу ушалмай қолянти. Тасалли шуки, қайта қуриш шабадаси туфайли ўзлигимизни англаб, бу эзгу ниятни рўёбга чиқарамиз, албатта.

Учинчи орзу. С. Сирожиддинов республика мактабларида математика ўқитишни замонавий талаблар даражасига кўтариш, ўқувчилар, муаллимларни илмий-оммабоп, методик адабиётлар билан тўла-тўкис таъминлаш, физика-математикадан мактаб-интернатлар очиш, қобилиятли болаларни топиб тарбиялаш муаммоларига жиддий эътибор берди. Домла мактаб ўқувчиларига мўлжалланган журнал чиқариш ғоясини 20 йилча аввал айтган, буни матбуотда ҳам ёзган, турли анжуманларда ўртага ташлаган. Бу журнал ўзбек тилида бўлиб, физика-математика фанларига оид бўлиши лозим эди... Ҳеч бўлмаса, «Фан ва турмуш» ёки «Совет мактаби» журналларига илова тариқасида чиқарилиши кўзда тутилган эди. Бу тадбир амалга ошса, жумҳуриятимизда физика-математика фанларини ўқитишни яхшилаш, муаллимларимиз ва ўқувчиларимиз савиясини ошириш борасида ва пировард натижада, шу соҳалардаги қолоқлигимизни тугатишда муҳим, асосий қадамлардан бири қўйилган бўлур эди... Домла киритган таклифлар қайсидир амалдорнинг столи ғаладонида ғарқ бўлиб кетди... Ҳалигача на журналдан, на унга иловадан дарак йўқ... Домланинг бу муқаддас орзуси ҳам ушалмади, келажак авлод эшитиши лозим бўлган бир нидо каби ҳамон янграб турибди...

Устоднинг ушалмаган орзуларининг рўёбга чиқиши унинг руҳини бағоят шод қилган бўлур эди...

М. МИРЗААҲМЕДОВ,
физика-математика фанлари номзоди, жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

● Самарқанд ноҳиясидаги «Меҳнат» тикувчилик бирлашмасининг ишчилари ўн иккинчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақани қизитмоқдалар. Бирлашманинг ўнинчи филиали аъзолари барчага ибрат кўрсатишаётир.

Комсомол аъзоси Насиба Раҳимова илғор ишчи. У кунлик топшириқларини 120—130 фоизга бажармоқда.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

● ХОРАЗМ КОНСЕРВАЧИЛАРИНИНГ ЮМУШЛАРИ

ҚАРДОШЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

● Бу йил мева ва сабзавотларни қайта ишлаш мавсуми тинғиз бўлиши кутилмоқда — қўшимча ер участкалари олиниши муносабати билан ҳўл мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш кўпаяди. Шунинг учун ҳам Хоразм консервачилари корхонани ремонт қилиш, таъмирлаш, кенгайтириш ва янгиларини қуриш ишларини олдиндан бошлаб юборишдилар.

Аввалги йилларда колхоз ва совхозлар заводга паст сифатли хом ашё етказиб бериб, яхшиларини бозорга элтишган бўлса, энди бундай иш яроқсиз бўлиб қолади. Чунки шахсий боғ ва полизлар майдони икки баравар кенгайди. Қайта ишлаш корхоналарининг қувватларини эса ана шундай даражада ошира олмадилар. Шунинг учун ҳам маҳсулот мўл-кўл бўлганида консервачилар уни танлаб оладилар, маҳсулот топширувчи хўжаликлар эса мева ва сабзавот сифатини сақлаб қолиш тўғрисида ҳам кўпроқ ғамхўрлик қиладиган бўладилар. Бунинг устига консервачиларнинг ўзлари энди область агросаноат уюшмаси воситачилигисиз маҳсулот етказиб берувчилар билан шартнома тузмоқдалар. Россия, Белоруссиядаги истеъмолчилар билан ва бошқа шериклар билан ҳам шартномалар тузилмоқда. Маҳсулот олувчилар бунинг эвазига ёғоч-тахта, гўшт, картошка, турли хил моллар беришади.

(ЎзТАГ).

Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз Орол денгизини сақлаб қолиш, Қорақалпоғистон АССР ва Қозоғистон ССРнинг Қизилўрда областларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, мазкур региондаги экологик аҳволни яхшилаш борасида жиддий тадбирларни амалга оширмоқда.

Бу ишга ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам кенг жалб қилинган. Улар Оролбўйи атрофи табиатини муҳофаза қилишда фаол қатнашмоқдалар.

Жумладан, автоном республикада Орол районлараро табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси ташкил қилинган. У ўз фаолиятини 1989 йилнинг апрель ойидан бошлаган эди. Ўтган давр ичида ҳуқуқ-тартибот ходимлари регион атроф-муҳитини муҳофаза қилиш бўйича прокурорлик назоратини кучайтирдилар. Бу борадаги қонунни бузувчиларга кескин чоралар кўрилди. Прокурорлар томонидан 9 марта ўтказилган текшириш натижасида 13 та тақдимнома, 4 та ёзма буйруқ топширилди, 12 та мансабдор шахсга қонунни бузиш мумкин эмаслиги тўғрисида огоҳлантириш эълон қилинди. Асосий эътибор давлатга етказилган зарарни тўлатишга қаратилди. Фақат мансабдор шахсларнинг ўзидан гражданлик тартибида давлат фойдасига 2514 сўм жарима ундириб олинди. Давлат арбитражига эса 16790 сўмлик иш бўйича даъво қўзғатилди.

Табиатни муҳофаза қилиш автоном республика прокуратураси назорат фаолиятида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки Қорақалпоғистон территориясида ер-сув, атмосферадаги ҳавони ифлос қилувчи кўплаб саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари мавжуд. Мазкур корхоналар устидан алоҳида прокурорлик назорати шуни кўрсатдики, ер-сув ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилувчи қонунлар кўпол равишда бузиб келинган. Масалан, заҳарли химикатлар сақлаш қоидасига риоя қилмаганлиги учун «Ўзсельхозхимия» бирлашмаси Қорақалпоғистон станциясининг 36 та омборхонасидан 27 таси қисқартирилди.

Автоном республика прокуратураси Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси ҳамда Қорақалпоғистон АССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети билан ҳамкорликда иш олиб боряпти.

Ўтган йилнинг биринчи ярмида сув тақчил бўлганлиги туфайли дарёлардаги сув сатҳи 1,3 сантиметрга тушиб кетди. Шу билан бирга регионда сувдан оқилона фойдаланиш тартибига амал қилинмади. Натижада Оролга мўлжалланган сув етиб бормади. Масалан, «Амударё» сув хўжалиги бассейни бирлашмаси маълумотларига кўра, 1988 йилнинг ўзида лимитдан ташқари 1990 миллион кубметр сув сарф қилинди. Баъзи хўжалик ташкилотлари лимитсиз сув олиш, буни эса ҳисобга киритмаслик, суғориш учун мўлжалланган сувни коллекторларга буриб юборишлари натижасида 2-3 баравар кўп гербицидлар ишлатилган. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, Давлат агросаноат комитети системасидаги хўжалик раҳбарларининг ўйламасдан иш тутиши озиқ-овқат маҳсулотларининг химиявий дорилар билан ифлосланишига олиб келди. Худди шу химикатлар туфайли дарёларга коллектор-дренажлардан юқори даражада минераллашган оқава сувлар келиб тушяпти.

Сувдан фойдаланишдаги ва қишлоқ хўжалигида химикатлар ишлатиш тартибларининг бундай асоссиз бузилиши яққол ҳуқуқий характер касб этади. Шунинг учун ҳам эндиликда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон территориясидан 180 гектар тажриба участка ҳам берилди.

Ўқув-тажриба ишлаб чиқариш корхонаси тавсияси билан амалга оширилган дастлабки тажриба муваффақият келтирди. Жумладан, Нишон районидаги «Коммунист» совхозининг Турсун Умаров, «Самарқанд» совхозининг Сафар Чориев, «Туркманистон» совхозининг Зиёдулла Ашуров кабилар бошлиқ бригадалари, Қарши районидаги «Партия XXVI съезди» совхозининг Лев Николаевич Ким бошлиқ агроучасткасида экин майдонларини суғоришда вегетация даврида эгилувчи шланглардан кенг фойдаланилди. Суғоришдаги ана шу технология Қарши даштидаги 1-, 2-, 52-, 53-, 54-совхозлардаги янги ўзлаштирилган ерларда ҳам тўлиқ қўлланилди. Бу сувни тежаб-тергаб ишлатиш ва оз сув билан кўп ҳосил етиштириш имконини берди.

Суғориш технологиясидаги мазкур янгиликни Қашқадарё область сув хўжалиги ишлаб чиқариш ремонт-эксплуатация мелиоратив бирлашмаси бошлиғи Муса Муродов шундай шарҳлайди:

— Воҳамизнинг сув ресурслари асосан дарёлардан, кичик сойлар ва булоқлардан оқиб келаётган оби ҳаётдан иборат. Амударё ва Зарафшон дарёларидан олинаётган сувни қўшиб ҳисоблаганда бу йилги сув манбаимиз 6 миллиард 50 миллион кубметрни ташкил қилди. Ҳолбуки, тўлиқ суғориш учун экин майдонларимизга 7 миллиард 100 миллион кубметр сув керак бўлади. Мавжуд 14 та каттакичик сув омборида бор-йўғи 2,5 миллиард кубметр сув сиғади, холос.

Мавжуд оби ҳаётдан ҳам етарли фойдаланилди, деб бўлмайди. Чунки суғорилган майдон 2 миллион 160 минг гектар ўрнига 1 миллион 537 минг гектар ерни ташкил этди. Бу 72 процент деган гап. Айниқса, Қамаши, Ғузор ва Чироқчи районларида сув танқислиги сезилиб қолди. Яккабоғ районида ҳам шундай ҳол юз берди. Шунга қарамай кўпгина колхоз ва совхозларда суғоришда жиддий хатога йўл қўйилди.

Ана шу нуқсонларни бартараф этиш, сувдан оқилона, ишнинг кўзини билиб фойдаланиш ҳисобга олиниб, область партия комитетининг ёрдами асосида Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги томонидан Қарши ўқув-тажриба ишлаб чиқариш корхонаси тузилди.

Хўш, янги суғориш технологиясининг афзалликлари нимада? Биринчидан, «КП—160» маркали комплектларда экиннинг жойлашиш схемасига қараб, сув тараш учун махсус шланглар ўрнатилган. Бу шланглар жўякларга сувни камайтириш ва кўпайтириш имкониятига эга. Ҳар бир комплект билан суткасига 50 литр сув билан 5 гектар ерни, 2 та комплект эгилувчан шланг билан 80 гектарлик майдонни 10—15 кун ичида бир марта суғориш мумкин. Буни иккиуч киши ўрнига бир киши бажариши мумкин. Демак, «КП—160» комплекти билан суғоришни уюштириш анча сувни тежайди.

Иккинчидан, «ТСН—25» полиэтилен труба сифонларнинг ҳам фойдаси катта. Тупроқ бир текис сувга қониқади. Барча эгатларга бир хил миқдорда сув сарф бўлади. Бу ишчи кучини ҳам тежайди. Учинчидан, томчилатиб суғориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу илғор усул билан боғ ва токзорларни суғориш мумкин.

Тўртинчидан, областимизнинг тоғ ён бағри хўжаликларида, айниқса, ернинг жойлашиш рельефи нотекис жойларда озуқабоп экинлар, беда, полиз ва дарахтзорларни сунъий ёмғирлатиб суғоришга ўтмоқчимиз. Шунисн муҳимки, ёмғирлатиб суғориш ўқ ариқ, эгат талаб қилмайди. Ердан самарали фойдаланиш коэффициентини оширади.

Маълумки, областимизга ажратилаётган сув лимити йилдан йил камайиб бормоқда. Шунга кўра, суғоришда янги технологиядан ўринли фойдалансак, бу соҳадаги қийинчиликларни муваффақиятли енгишга эришамиз.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОРОЛНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ИШЛАРИНИНГ БОРИШИ — „СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ"ОТАЛИҒИДА

ЗАМОН ТАЛАБИ

Орол денгизи ҳозирги сатҳини сақлаб қолиш учун сув хўжалиги фаолиятига янгича ёндашиш ва мазкур бассейндаги сув ресурсларидан фойдаланишда ҳаракатдаги назоратни кучайтириш зарур. Айни пайтдаги иккинчи муҳим масала ичимлик сув муаммоси бўлиб, суғориладиган ерларда унинг химиялашуви тартибига эътиборни қаратмоқ лозим. Маълумки, «Сельхозхимия» бирлашмасининг ҳар бир областда жойлашган станциялари минерал ўғитлар ва заҳарли химикатлар реализациясидан анча манфаатдордирлар. Шу сабабли улар колхоз ва совхозларга мазкур химикатларни кўпроқ етказиб бериш пайида бўлишмоқда. Бунинг натижасида нормадагидан ташқари химикатлар қўлланиш ҳоллари ошиб боряпти. Масалан, 1988 йилнинг ўзида автоном республика шоли далаларида нормадагидан 2-3 баравар кўп гербицидлар ишлатилган. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, Давлат агросаноат комитети системасидаги хўжалик раҳбарларининг ўйламасдан иш тутиши озиқ-овқат маҳсулотларининг химиявий дорилар билан ифлосланишига олиб келди. Худди шу химикатлар туфайли дарёларга коллектор-дренажлардан юқори даражада минераллашган оқава сувлар келиб тушяпти.

Сувдан фойдаланишдаги ва қишлоқ хўжалигида химикатлар ишлатиш тартибларининг бундай асоссиз бузилиши яққол ҳуқуқий характер касб этади. Шунинг учун ҳам эндиликда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон территориясидаги Орол бассейни дарёларидан фойдаланиш экологик системасида бирлашган, марказлашган ва ихтисослашган прокурор назоратини амалга ошириш зарур бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда СССР Прокуратурасига бўй сунадиган Орол сув бассейни табиатини муҳофаза қилувчи республикаларо прокуратурасини ташкил қилиш айни муддао бўлур эди, деб ҳисоблайман. Чунки мазкур ташкилот юрисдикцияси Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари территорияларида ҳам бирдек ҳуқуқий кучга эга бўлади. Ҳозирги пайтда масаланинг ана шундай ҳал қилиниши замон талабига мос бўлиб тушади. Албатта, буни амалга оширишда ташкилий ва молиявий қийинчиликларга дуч келиниши турган гап. Лекин Иттифоқ масъул органларининг иштирокида бу муаммоларни ҳал қилса бўлади.

В. ДОНЦОВ,
Қорақалпоғистон АССР прокурори

* * *

Автор илтимосига биноан, мақола учун берилган қалам ҳақи Оролни сақлаб қолиш жамоатчилик комитети фондига ўтказилади.

•Диққат, янгилик!

СУҒОРИШДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ

Экин майдонларини суғориш йил сайин мураккаблашмоқда. Об-ҳаво қандай келишидан қатъи назар сув танқислиги сезилаётир. Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари билан мақсадга эришиш қийин. Амударё сувини ҳам ортиқча ишлатиб бўлмайди. Чунки Орол муаммоси муаммолигича турибди.

Хўш, сувдан янада тежаб-тергаб фойдаланиш мумкинми? Қашқадарё область сув хўжалиги ишлаб чиқариш ремонт-эксплуатация мелиоратив бирлашмаси мутахассислари «мумкин» деган қарорга келдилар. Яқинда бирлашма ҳузурида Қарши ўқув-тажриба ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди.

Корхонага Нишон районининг территориясидан 180 гектар тажриба участка ҳам берилди.

Ўқув-тажриба ишлаб чиқариш корхонаси тавсияси билан амалга оширилган дастлабки тажриба муваффақият келтирди. Жумладан, Нишон районидаги «Коммунист» совхозининг Турсун Умаров, «Самарқанд» совхозининг Сафар Чориев, «Туркманистон»

Тўртинчидан, областимизнинг тоғ ён бағри хўжаликларида, айниқса, ернинг жойлашиш рельефи нотекис жойларда озуқабоп экинлар, беда, полиз ва дарахтзорларни сунъий ёмғирлатиб суғоришга ўтмоқчимиз. Шунисн муҳимки, ёмғирлатиб суғориш ўқ ариқ, эгат талаб қилмайди. Ердан самарали фойдаланиш коэффициентини оширади.

Маълумки, областимизга ажратилаётган сув лимити йилдан йил камайиб бормоқда. Шунга кўра, суғоришда янги технологиядан ўринли фойдалансак, бу соҳадаги қийинчиликларни муваффақиятли енгишга эришамиз.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АХБОРОТ

Наманган маданияти

● КЕЧА жумҳурият пойтахтида Наманган вилояти маданияти кунлари ниҳоясига етди.

Диёримизнинг бу вилояти ўзининг истеъдодли ҳофизлари, санъат арбоблари билан фахрланади. Наманган санъаткорлари А. Навоий номидаги катта академик театрда концерт, Мукимий номли музикали театр биносида эса «Бу телба дунё» спектаклини намойиш қилдилар.

Наманган маданияти вакиллари Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, ҳамкасблари билан ижодий маҳорат ҳақида суҳбатлашдилар.

АҚШда кўрсатилади

● БУГУН Америка Қўшма Штатларида намойиш этиладиган жумҳурият рассомларининг савдо-кўргазмаси асарлари океан ортига юборилиш учун ҳозирланади.

Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Рассомлар уюшмасининг ёш ижодкорлар бирлашмаси раиси Марат Содиқов шундай деди:

— Ўзбекистон ёш рассомларининг асарларидан иборат тузилган махсус кўргазма Американинг биродарлашган Сиэтл шаҳрида шу йилнинг кузида ўтказиладиган яхши ниятли спорт ўйинлари олимпиадасига бағишлаб тайёрланди. Ундан умидли мўйқалам ижодкорларидан Х. Турдиев, Ж. Усмонов, О. Бобожонов, А. Нуриддинов, С. Алибеков, Л. Даваец, М. Нуриддинов ва бошқаларнинг асарлари ўрин олган. Ёшларимиз ўзларининг ранг-тасвир лавҳаларида Ўзбекистон кишилари сиймосини, шаҳарлари, табиати манзараларини тасвирлашган. Ишончим комилки, бу ранг-тасвир асарлар Сиэтлнинг талабчан томошабинларига манзур бўлади.

Тошкент ва Сиэтл рассомлари ўртасида ҳам яхши алоқалар ўрнатилган. Ўтган йили америкалик ҳамкасбларимиз шаҳримизда намойиш қилган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ўзига хос маданий воқеа бўлган.

«Чори» иш бошлади

● БУГУН Японияниг «Чори» савдо фирмаси Тошкентда ўз фаолиятини бошлайди. Шу муносабат билан фирманинг Москвадаги бўлими вакили Столу Хираката Тошкентга келди. У бундай деди:

— Ўзбекистонда япон фирмасининг бўлими ташкил этилишидан ғоятда хурсандмиз. «Чори» савдо соҳасида катта тажрибага эга бўлиб, у асосан кенг халқ истеъмоли молларидан тўқиб, ҳатто юк машиналаригача савдо-сотиқ билан шуғулланади. Биз ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон енгил саноат корхоналари, Узбекбирлашув, «Узинторг» билан дастлабки шартномларни туздик. Шунга биноан биз Ўзбекистондан ипакли ва пахтали матолар, буюмларни сотиб оламиз.

МАКТАБДА ОДОБ ДАРСИ

Яқинда марказий кўчалардан бирида тўй бўлди. Эрта наҳорда ош берилди. Тўйхонага кираверишдаги одамлар билан гавжум. Кўча ўртасидан 8-9-синф ўқувчилари на салом бор, на алик, индамай ўтиб кетишди. Ёнимда ўтирган тенгдош кексалар мени танқид қилдилар:

— Абдуфаттоҳ ака, сиз ёшларни тарбиялаш бўйича маҳалла фаолларидансиз. Нега маҳалламиздаги айрим болалар на саломни, на катталарни ҳурмат қилишни билади? Таълим-тарбия ишлари билан қизиқсангиз бўлмайдими?

Дўстларимнинг бу даккиси менга наша қилди. Тўйдан чиқиб, тўғри 96-мактабга бордим. Мактаб директори Абдураҳим Абдукаримовга бўлган воқеани айтдим:

— Мактабда лоақал бир ойда икки соатли таълим-тарбия дарси ўтсак, — дедим.

— Агар сиз — кексалар ёрдам берсангиз, бу ишни албатта йўлга қўямиз, — деди у.

Ҳақиқатан ҳам январь ва февраль ойларида таълим-тарбия дарслари ўтказдик.

Яқинда А. Абдукаримов билан кўчада учрашиб қолдим:

— Қалай, бизнинг панд-насиҳатларимиз ёшларга сал бўлса ҳам таъсир қилдими, — сўрадим ундан.

— Сал эмас, анча яхши таъсир этди. Таълим-тарбия дарсларини янада кўпайтириш режамиз бор, — деди у.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Киров районидаги Янгиариқ маҳалла комитети аъзоси.

САҲИФАДА:

● ЯХШИЛИК ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

● МЕЪМОРИЙ ОБИДА УЧУН

● ЭҲТИЁТ БЎЛГАН МАЪҚУЛ

ҚАТРАЛАР

Еқубжон ШУКУРОВ

БАҲРАМАНД ОДАМ

Баҳраманд одамдан сўрашибди:

— Доим очиқ чеҳрада юрасиз, ёш, бардам кўринасиз? Наҳотки, ҳаёт ғамғуссалари сизга заррача таъсир қилмаса?

— Таъсир қилади. Одамга нима керак ўзи? Соғлиқ, тинчлик. Бошқасини сўраманглар — фойдасиз: муддао кам-кам бўлур. Ношукурлик — бахтсизлик боши.

●

ТАДБИРЛИ ОТА

Ота сартарошхонада куёвининг ўртоғини кўриб, танимагандек, ўзини ғамгин тутиб, сартарош билан суҳбатлашибди:

— Сиз мендан нега ғамгинсиз, деб сўрайсиз-а, уста! Отанинг гапига кирмаган қизни нима қилса бўлади?

— Гуноҳи нима шўрликни? — сўрабди уста.

— Э, нима десам экан, эри уни қалтаклагани учун олиб келганимиздан хабардорсиз. Ўғилларим «Биз ҳам куёвни боплаб адабини бериб келамиз» дейишса, қизим: «Уни савалагунча, мени саваланглар! Айб ўзимда — тилимда. У ғоят яхши йигит, мастликда бир урди-да, акажонларим. Унга ҳеч озор бермангланг» деб ялинса бўладими!

Бу гапни куёвининг ўртоғи оқизмай-томизмай етказиб борибди. Куёв ўша куниёқ келиб хотинига бош эгиб, тавба-тазарру билан олиб кетибди, апоқ-чапоқ бўлиб кетишибди.

●

АБАДИЯТ ҚОНУНИ

Бир дўстимизнинг кенжа ўғли никоҳ тўйи муносабати билан беш-олтита мўйсафид йиғилиб қолдик. Суҳбатдошимизнинг бири завқ билан деди: «Мана, дўстимиз сўнгги фарзандини уйлантириб, энди тиниб-тинчиб яшайдилар».

— Сиз хато гапирдингиз, азиз дўстим, — дедим мен. — Ота-оналарнинг тиниб-тинчиши мушкул.

— Нега?

— Негаки, биз, ота-оналар фарзандлар тарбиясига балоғатга етгунча жон койитсак, невара, эвара, чевараларнинг тарбиясига қазон ҳаққача ҳаракатда бўламиз, бу — абадият қонуни.

●

БАХИЛНИНГ ОРЗУСИ

Амир Темур бир лашкар бошлиғининг хунук нуқсонини айтсанг, сени бир ҳисса, уни эса сен тилаган нарсанинг икки ҳиссаси билан тақдирлайман.

Жоҳил, бахил Чордор ўйланиб туриб сўрабди:

— Шоҳим, ёмон нарса тиласам-чи?

— Ёмон нарсанинг ҳам икки ҳиссасини ул олур, — дебди шоҳ.

— Унда менинг бир кўзимни, Аҳмаднинг икки кўзини ўйинг!

Шоҳ гумони тўғри чиққанидан киноя жилмайибди.

●

ОДАМИЙЛИК — БУЮКЛИК

Виждон билан донолик муштарак бўлса, буюклик тантана қилади — олам жаннатга айланади — яхшилар яйрайди. Борди-ю, ақл билан виждонсизлик муштарак бўлса, ҳаёт дўзахга айланиши — яхшилар ўтда куйиши ҳеч гап мас.

●

ҲОФИЗ ҲАҚИДА

Овози яхши барча қўшиқчини ҳофиз, деб бўладими? Асло. Қўшиқ сўзларининг маъзини чақиб, дилга яқин куй-қўшиқни танлай билган ва куй ўйғунлигини ифодалай олган қўшиқчини ҳофиз деса бўлади.

●

УЧАР ГИЛАМ

Ёзувчининг зўр асарини учар гиламга ўхшатсам, ёмон асарини устида ўзи ўтирган бузуқ аравага ўхшатаман...

●

УЛУҒЛИК БАЙРОҒИ

Мақтанчоқлик — пасткашлик ниқоби, камтарлик — улуғлик байроғи.

Шаҳзода Оғахон мутасаддилик қилди

Самарқанд шаҳрида буюк маърифатпарвар олим Мирзо Улуғбек туғилган куннинг 600 йиллигига Улуғбек марказини бунёд этишга қарор қилинди. Улуғбек маркази энг яхши лойиҳаларини рағбатлантириш учун «Оғахон маданият жамғармаси» 100 минг доллар миқдорда мукофот белгилади.

Бу СССР ва Ўзбекистон Архитекторлари уюшмаларининг халқаро фонд билан тузган биринчи шартномасидир. Ўтган йили Қоҳирада, энг яхши архитектура лойиҳаларига мукофотлар топширилаётганида ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди.

— Миср пойтахтида пайдо бўлган бу ғоя ҳозирдаёқ аниқравшан тус олмоқда, — дейди Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси правлениесининг раиси Т. Қодирова. — Фондга номи берилган Шаҳзода Оғахон Самарқандниг тарихий обидалари қад кўтарган қисмида Улуғбек марказини бунёд этишга катта қизиқиш билдирди. Марказ, бизнинг режаларимизга кўра, музей, қобилиятли болалар мактаби, савдо расталаридан иборат бўлиши керак. Бу иншоотлар мажмуи кўҳна шаҳарнинг беназир қиёфаси билан уйғунлашиб кетиши керак. Бунинг учун кўп маблағ талаб этилади, шу боисдан Шаҳзода Оғахон ташаббусга мутасаддилик қилишга қарор берди.

Маданият фонди ва унинг архитектура бўлими 1967 йилда мусулмон шиалари мазҳабига мансуб исмоилийлар бошлиғи — имом Шаҳзода Оғахон томонидан ташкил этилганди. Фонднинг мақсади ижодий фикрларга йўл очиш, шаҳарсозликда миллий анъаналарни ҳамда замонавий ютуқларни ўзида уйғунлаштирадиган архитектурага янги омил бағишлашдан иборат. Фонд ҳар уч йилда бир марта жаҳоннинг етакчи архитекторлари ижодий беллашувининг якунларини чиқаради. Энг яхши лойиҳаларга мукофотлар берилади. Мукофотларнинг умумий фонди 500 минг долларни ташкил этади. Фонд фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи мутасаддилар Муҳаммад Кешавжи билан Эмин Балси ўғлидан фонд фаолияти тўғрисида батафсилроқ гапириб беришни илтимос қилдик.

Халқаро ҳамкорлик

— Шаҳзода Оғахон май ойининг биринчи ярмида Самарқандга келишни мўлжалламоқда, — деди М. Кешавж. — Шу мақсадда унинг Ўзбекистонда бўлишига доир турли масалаларни ҳал этиш учун бу ерга келдик. Биз Самарқандда бўлдик. Мазкур шаҳар жаҳон туризмининг етакчи марказига айланиши учун ҳамма асослар бор, чунки худди шу ерда илмий тафаккурнинг кўп негизларига асос солинган. Бутун дунёда Оғахон фондининг обрўси катта. Унинг асосий мақсади миллати ва динидан қатъи назар кишиларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш, уларни ижодий фикрлашга қизиқтиришдир. Конкурс ҳакамлари кўриб чиқиши учун бундан камида икки йил ва кўпи билан 20 йил илгари амалга оширилган лойиҳалар тақдим этилиши мумкин. Шартлар нима учун бу даражада қаттиқ, дейсизми? Биз буни қурилишларнинг барча камчиликлари аниқланадиган энг мақбул муддат, деб ҳисоблаймиз. Муҳокамага бу биноларда ишлаётган одамларни жалб қиламиз. Лекин фонд ўзининг бутун тарихи мобайнида биринчи марта мутасаддилик қилмоқда. Биз буни фондимизнинг Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ижодий уюшмалари билан бундан кейин ҳам ҳамкорлик қилиши учун яхши асос деб ҳисоблаймиз.

— Оғахон фондининг қароргоҳи Женевада жойлашган, — деб суҳбатга қўшилди Э. Балси ўғли. — АҚШ, Канада, Португалия, Буюк Британия, Кения, Покистон, Ҳиндистонда унинг бўлимлари бор. Мувофиқлаштирувчи кенгаш архитектурани ривожлантиришдан ташқари учинчи дунё мамлакатларида бир неча халқаро программаларни рўёбга чиқаришга катта эътибор бермоқда. У болаларга ёрдам бериш халқаро фондини, жаҳон озиқ-овқат программасини маблағ билан таъминлашда фаол қатнашмоқда. Ҳиндистон, Танзания, Кения каби бир қанча мамлакатларда фонд хизмати идоралари икки миллион кишига хизмат қилаётган 200 та табобат муассасасини бошқармоқда.

...Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси ва Оғахон фонди Улуғбек маркази лойиҳаси учун конкурс шартларини эълон қилади. Ижодий мусобақа келаси йилгача давом этади. Мувофиқлаштирувчиларнинг фикрларига қараганда, ушбу конкурс фақат СССРдагина эмас, хорижий мамлакатларда ҳам мутахассисларда катта қизиқиш уйғотади. Ғолибни жюри аниқлайди. Шарқнинг буюк олими ва мутафаккири шаҳрида қад кўтарадиган меъморий обида конкурс ғояларининг асосий якуни бўлади.

Л. ЛЕВИН,
ЎзТАГ мухбири.

Қаҳ-қаҳа, олқиш, гол...

Пахтакорчиларнинг Тошкентда ўтказилган биринчи учрашуви ўзига хос байрамга айланди. Ўйин олдидан очиқ саҳнага чиққан қўқонлик кулги усталари минглаб мухлисларни мамнун этишга ҳаракат қилдилар. Хонандаларнинг чиқишлари ҳам кўпчиликка маъқул бўлди. Маҳоратли спортчилар намунали чиқишлар қилдилар. Бир сўз билан айтганда, шаҳарликларнинг бўш вақтини оқилона ташкил этиш борасида хайрли ишга қўл урилди.

Стадионга ташриф буюрган ишқибозларнинг қувончига-қувонч қўшиш учун ҳаракат қилган футболчиларимиз учрашувнинг биринчи қисмидаёқ ҳисобни очишга уриндилар. Лекин ҳаракатлари зое кетди. Ўйиннинг энг қизиқарли ҳолатлари асосан танаффусдан кейин юзага келди. Майдонга тушган Марат Кабаев кўмагида Игорь Шквирин аниқ зарб билан ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Стадион узра олқиш янгради. Орадан бироз ўтиб, Х. Огонесян дарвозани нишонга олди. Лекин дарвозабоннинг маҳорати туфайли ғалаба мустаҳкамланмай қолди. «Нистру» футболчилари ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилдилар. Зеро, кутилмаганда хатога йўл қўйишди. 11 метрлик

Футбол

жарима тўпи белгиланди. Яна И. Шквирин ўзини кўрсатди. Ҳисоб 2:0 га етди. Ниҳоят, ўйин тугашига яқин Х. Огонесян команда капитани Г. Денисов оширган тўпни дарвозага аниқ йўллаб, ғалабани мустаҳкамлади.

— Учрашувнинг биринчи қисмида мудофаа билан ҳужумда турганлар ҳаракатида ўзаро ҳамкорлик кўзга ташланмади, — дейди «Пахтакор» командаси тренери А. Толибжонов. — Пахтакорчилар Яновский, Микляев, Билолов, Қосимов, Денисов, Огонесян, Бондаренко, Пятницкий, Шарипов, Шквирин, Тиллаевлардан иборат тартибда майдонга тушган эдилар. Танаффусдан кейин бироз ўзгаришлар қилиб, Микляев ўрнига Кабаевни туширдик. Ўнг қанот ярим ҳимоячиси Қосимов билан Шарипов ўрни алмаштирилди. Илк марта ҳужумда ўйнаган О. Тиллаев ўрнига Р. Галиев майдонга тушди. Бу ўзгаришлар ўз самарасини бериб, ҳужумкорлик юзага келди. Зеро, имкониятлардан тўлиқ фойдаландик деёлмаймиз. Мавсум бошидаги дастлабки уринишлар кўпинча шундай кечади.

Учинчи тур ўйинларидан кейин «Металлург» 6 очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Нефтчи» ва «Геолог» ҳисобида 5 тадан очко бор. Пахтакорчилар эса учта очко билан мавқеларини бироз яхшилашди.

Суратларда: «Пахтакор» стадионидаги кўнгилочар тадбир ва учрашувдан лавҳалар.

Б. Холмирзаев олган суратлар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚАРО ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ДАСТУРЛАР МАРКАЗИНИНГ ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ

«СССР ҒУЗАЛИ»

II БУТУНИТТИФОҚ КОНКУРСИ

ВА

«ОСИЁ ҒУЗАЛИ-90»

БИРИНЧИ РЕГИОНАЛ ҒУЗАЛЛИК КОНКУРСИ ДОИРАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН, ТОЖИКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН жумҳуриятларининг етакчи хореография, эстрада жамоалари ҳамда СССРнинг эстрада усталари иштирокида

«ОСИЁ ҒУЗАЛЛАРИ»

ЭСТРАДА-ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН КОНКУРС-ДАСТУРИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

Конкурснинг ҳамкор таъсисчиси — Горький шаҳридаги «ЭНЕРГЕТИК-1» кооперативидир.

ҲОМИЙЛАР — Тошкент вилоят туризм ва саёҳатлар кенгаши, Тошкент трактор заводи, Наманган вилоятидаги «ҒАЛАБА» совхози, Фрунзе «АГРОХОЛОДПРОМ» тажриба заводи, Бутуниттифоқ мелиорация системаларини комплекс автоматлаштириш илмий-текшириш институти.

Конкурсга 20, 21 апрель кунлари НАВОИЙ НОМИДАГИ ТЕАТР БИНОСИ (Киров кўчаси, 28-уй)да ЯКУН ЯСАЛАДИ.

Томошалар 20 апрель соат 18.00 да, 21 апрель соат 17.00 да бошланади.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

ТОМОШАБИНЛАР ТАЛАБЛАРИГА БИНОАН!

3, 4 МАЙ СОАТ 19.00 ДА

«ҲАЗИЛ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

«ҚИЗИҚЧИ-89» КЎРИГИ ҒОЛИБЛАРИ:

МИРЗА ҲОЛМЕДОВ, ОБИД АСОМОВ, БОТИР МУҲАМЕДХЎЖАЕВ;

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг совриндорлари:

Тўхтамурод АЗИЗОВ, Собит АСОМОВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

ЗИЕДА МАДРАҲИМОВА, ОДИЛ КАМОЛХЎЖАЕВ.

Лирик хонанда «КАМОЛОТ-89» кўригининг ғолиби ШОМАҲМУД ШОРАҲМЕДОВ

Раққоса — Муаззам ҒОФУРОВА.

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР СОСТАВИДАГИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

рус тили кафедраси мудири;

автомобиллар бўйича профессорлар(2);

доцентлар: сиёсий иқтисод, фалсафа, сиёсий социология ва ҳуқуқ (ўзбек тилида — 2, рус тилида 0,5), йўл қурилиши ва улардан фойдаланиш технологияси (0,75), меҳнатни муҳофаза қилиш (2), йўл машиналари ремонти ва улардан фойдаланиш, автоматика асослари ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш (2), иссиқлик техникаси ва инженерлик экологияси, автомобиллар бўйича (2), йўлларни лойиҳалаштириш, автомобиллар ремонти ва уларни ишлаб чиқариш, автотранспорт иқтисодини бошқаришда хўжалик механизми (2),

катта ўқитувчилар: сиёсий тарих (ўзбек тилида, 3), фалсафа (2), сиёсий социология ва ҳуқуқ (ўзбек тилида), рус тили (3), йўл машиналари ремонти ва улардан фойдаланиш (ПМК СДМ ва қурилиш механикаси курси бўйича);

ассистентлар: йўллар қурилиши ва улардан фойдаланиш (2), чизма геометрия ва чизмачилик (ўзбек тили), бухгалтерлик ҳисоби, автомобиллар, автомобиллар ишлаб чиқариш ва уларнинг ремонти (0,5).

Конкурс муддати — 27 апрелгача.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «БИОЛОГ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

маданий экинлар агроэкологияси лабораториясининг катта илмий ходими вакант вазифасига

(Бухоро вилоятида ишлаш учун агроном-ўсимликшунос ихтисоси бўйича фан номзоди)

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб беш кун.

Манзилгоҳимиз: 700125, Тошкент шаҳри, ГСП, Ф. Хўжаев кўчаси, 28-уй.

Тошкент қишлоқ хўжалик институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари кафедра доценти **Раъногон Нурматжоновна АҲМАДЖОНОВАнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси педагогика адабиёти редакциясининг катта муҳаррири Ф. Икромовага онаси **Еқутхон ЖАББОРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

● *Саломатлик—туман бойлик*

ҚЎЗИҚОРИН ХАВФЛИМИ?

Кечки пайт бошланган ёмғир эрталабга бориб тинди. Булутлар тарқаб, ер баррига қуёш тафти тегди. Кўкжар қишлоғидаги мактаб ўқувчилари адирдан ўт ўриб келишга отландилар. Кузги буғдой экилган майдон бўйлаб ўтиб боришар экан, кўк майсалар орасидан бодраб чиққан қўзиқоринлар болаларнинг эътиборини тортди. Улар ўт қолиб, қўзиқорин теришга тушиб кетдилар. Кўкжар алоқа бўлими бошлиғи Неъмат Зокировнинг ўн икки яшарли қизи Шаҳодат териб келган қўзиқоринлар эрталабки нонуштага қовурилди. Тушдан кейин хонадон бекаси Норжамол Хоназарованинг бошн айланиб, кўз-ўнги қоронғулашиб, қайд қила бошлади.

Қоринда пайдо бўлган оғриқдан бутун аъзойи бадани тер босди. Боз устига ичи кетиб, нафас олиши оғирлашди. Чақирилган «Тез ёрдам» машинаси мазкур хонадондан олти кишини, шунингдек, ўқитувчи Валижон Туробовлар оиласидан беш кишини Деҳқонобод ноҳияси юқумли касалликлар шифохонасига олиб келди.

Биз бундай хунук хабарни эшитгач, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг муовини, Давлат бош санитария врачи Тўлқин Искандаровича Искандаровга мурожаат этдик.

— Бу йилги баҳорнинг серёмғир келиши ер ости турли замбуруғларининг тезда униб чиқишига олиб келяпти. Аксарият ҳолларда экинзор, машиналар серқатнов бўлган кўча бўйларида чиққан қўзиқоринлар заҳарли бўлади. Жумҳуриятимиз шароитида учровчи қўнғир тусли липиота, жигарранг қизғиш қўзиқорин, сариқ тусли шампинон қўзиқоринлари ҳам хавфли. Сўраб-суриштирмай дуч келган қўзиқоринларни истеъмол қилиш кишиларнинг заҳарланишларига олиб келяпти.

Биргина Қашқадарё вилояти Деҳқонобод ноҳиясидан шу кунгача 43 киши (жумладан, 37 таси болалар) қўзиқорин истеъмол қилиб, заҳарланганлиги қайд қилинди. Беморларга тегишли ёрдам кўрсатилмоқда. Шулардан саккиз бемор Тошкентга, жумҳурият токсикология марказига ўтказилди. Шифокорларимиз бор имконият ва ҳаракатларни беморлар соғлиғини сақлаб қолишга қаратмоқдалар.

Тошкент шаҳридан ҳам саккиз киши қўзиқорин истеъмол қилиб, ўзларида нохуш аломатлар сезишгач, токсикология марказига мурожаат этди. Тошкент-Олмалиқ автомобиль йўли бўйида қўзиқорин терган кишиларга ҳам тиббий ёрдам кўрсатилди.

Серёмғир бўлган 1982 йилни эслайдиган бўлсак, бутун жумҳуриятимизда 200 дан ортиқ киши қўзиқоринидан заҳарлангани, кўрсатилган барча ёрдамга қарамай, ўттиз беморнинг ҳаёти ўлим билан тугаганини унутиб бўлмайди.

Бундай кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш мақсадида барчамиз ўзимизда масъулият ҳис қилган ҳолда болаларнинг қўзиқорин теришларига йўл қўймаслигимиз керак.

Ҳар бир кишининг саломатлиги жамиятимиз бойлигидир. Мадомики шундай экан, қўзиқоринлардан юзага келган мушкул вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳукумат берган ваколатдан фойдаланиб, жумҳуриятимиз ҳудудида махсус кўрсатма берилгунга қадар қўзиқоринлар териш ва сотишни қатъий ман этувчи қарор қабул қилинди.

Суҳбатни республика «Саломатлик» марказининг матбуот группаси ходими А. ЭРГАШЕВ ёзиб олди.

САРИҚ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ ДОРИ

Нукус, Қўнғирот, Тўрткўл ва Бўстондаги болалар даволаш муассасаларида кичкинтойлар «Энжерикс» препарати билан эмлана бошланди. У сариқ касалининг олдини олишга мўлжалланган.

— Иттифоқ соғлиқни сақлаш министрлиги бу дорини Бельгиядаги машҳур Смит-Клейн-Рит фирмасидан сотиб олди, — деб хабар қилди Қорақалпоғистоннинг бош педиатри С. Аекеев. — У организм учун мутлақо безарардир. Бу дори билан биринчи навбатда шу касалликка қарши иммунитети бўлмаган янги туғилган чақалоқларни эмлаш тавсия этилади. 150 минг марта эмлаш мумкин бўлган шундай препарат ва шунча миқдорда бир марта ишлатиладиган шприцлар борлигидан келиб чиқиб, бир ёшга тўлган кичкинтойларни ва икки ёшдан уч ёшгача бўлган болаларни эмлашни мўлжаллаяпмиз.

Режалаштирилган тадбирлар — КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Оролга доир маълум қарорига биноан ишлаб чиқилган Оролбўйи аҳолисини соғломлаштириш юзасидан кенг миқёсли комплекс программанинг бир қисмидир.

Қорақалпоғистон АССР.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-10, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 10034. № 91. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12